

Ғайрат МАЖИД

# **КЎЗЛАРИНГНИ СОҒИНАМАН**



У

«Akademiya»  
Тошкент — 2006

84(59)6-5 Узб. адаб. асарлар  
Файрат Мажид Шеърлар

Дунёни англаш, инсонни тушуниш, Ватанни ардоқлаш ва асраш...  
Ижодкор юрагида кечадиган барча эзгу туйғулар ва сезимлар ана шу  
катта мавзулар теварагида айланади. Худди ер қуёш атрофида айлан-  
ганидек.

Бу жараёнда ўзлигини қай тарзда намоён этиш — туйғуларни қандай  
шаклда тасвирлаш шоирнинг ижодий маҳоратига боғлиқ.

Файрат Мажид бу борада ўз йўли ва услубига эга бўлган шоирдир.


«Кўзларингни соғинаман» шеърый китоби сизнинг дилингизга ҳамроз  
бўлишига умид қиламиз.

Масъул муҳаррир:

Рустам МУСУРМОН

**МАЖИД Файрат.**

Кўзларингни соғинаман. Шеърлар.— Т.:  
«Akademiya» 2006. — 160 б.



HO 32761  
292

© Файрат МАЖИД  
© «Akademiya»

*Ушбу китобимни боболарим Муҳиддин Мажид ўғли,  
Насриддин Исомиддин ўғли ва амаким  
Абдувоҳид Муҳиддин ўғилларининг  
руҳи покларига бағишлайман.*

## **ИШҚ**

Дунёни тўлдириб гулагим келар,  
Аммо гул қайдадир, кўнгул қайдадир?  
Ким у — қуёшни май қилиб тутган,  
Ким у — юрагимни қиймалаган сир?

Мен ким дунёнинг бурчида бадар,  
Ўйлари санқиган, хаёли дайди.  
Кўнглумда бир гул бор, билар ҳаммани  
Афсуски, у гулни ҳеч ким билмайди.

Энди нилуфарнинг шохчаларидан,  
Бир уй қураман, мусаффо манзил.  
Осмон, бўш қолдим, деб ўртанма ёмон,  
Кел, менинг кўзимга, кўзимга осил.

Бир гул гуллигидан сўзлайди охир,  
Дилимга илоҳий ифорлар елса.  
Ахир, нима қилай тинмай ёнса дил,  
Дунёни тўлдириб гулагим келса.



## ВАТАН

Кўзларимдан кўз ёш эмас, дилим томса,  
Жон-эй, кўзим, дилим сенга гулим томса,  
Дунё-дунё кўнгилларга тилим томса,  
Айланайин ёрим, гулим, жоним Ватан.

Барчинларга элтади, бу отлар яхши,  
Юрагимжон, ўзинг топган зотлар яхши,  
Алвон-алвон хотиралар, ёдлар яхши,  
Айланайин ёрим, гулим, жоним Ватан.

Осмонлар паст, осмонларга бормайман мен,  
Туфроқ турфа, барига қалб қормайман мен  
Бўлди, сендан бошқага дил ёрмайман мен,  
Айланайин ёрим, гулим, жоним Ватан.

Кўнгилчамга булбулларим ин қўйдилар,  
Баҳорлар гул адирларни чин қўйдилар,  
Сўнг кўксимга бошларини жим қўйдилар,  
Айланайин ёрим, гулим, жоним Ватан.

Айтмайсанми, бу қандайин оҳлар бўлди,  
Оҳлар дилни гул шохига боғлар бўлди,  
Боғлар боқинг, бирам гўзал чоғлар бўлди,  
Айланайин ёрим, гулим, жоним Ватан.



## ИХЛОС

Кўнглим, қордаймисан, қоринг муборак,  
Кимгадир зордайсан, зоринг муборак,  
Сени зориллатган ёринг муборак,  
Руҳлари қўлласин Баҳовуддиннинг.

Дунёга қўл тутиб топганимиз не?  
Худа-беҳудага чопганимиз не?  
Мингта гуноҳ қилиб, ёпганимиз не?  
Руҳлари қўлласин Баҳовуддиннинг.

Йиғла-ю оқиб кет дарёларида,  
Бир пулик ишим йўқ дунёларида,  
Энг гўзал оламлар дилнинг тўрида,  
Руҳлари қўлласин Баҳовуддиннинг.

Кўнглим, қордаймисан, қоринг муборак,  
Кимгадир зордайсан, зоринг муборак,  
Сени зориллатган ёринг муборак,  
Руҳлари қўлласин Баҳовуддиннинг.



## ҲАЗРАТИ БОБУР

Кимга дунё, кимга кўнгил шоҳ экан,  
Дунё деганлари алам, оҳ экан,  
Одамга умиди дўст, ҳамроҳ экан,  
Қаён кетмоқдасиз, Ҳазрати Бобур?

Иймонни дилида туғдай тутган зот,  
Орини тоғлардан баланд этган зот,  
Отнинг устида ҳам ашъор битган зот,  
Қаён кетмоқдасиз, Ҳазрати Бобур?

Ҳаёт бошдан-оёқ бепоён тилсим,  
Гоҳ оға сотишин ким ўйлаб билсин,  
Қалби қулф касларга худо бас келсин,  
Қаён кетмоқдасиз, Ҳазрати Бобур?

Шу чоғ ёлғиз қўйгин ҳабиби ҳамдам,  
Кўнгил зор қақшаса ким қилгай мотам,  
Гоҳида ўзидан безаркан одам,  
Қаён кетмоқдасиз, Ҳазрати Бобур?

Сиз бирла бир мумтоз маҳаллар кетди,  
Ишқ бунёд этган Тожмаҳаллар кетди,  
Ҳумоюн, Комрону Акбарлар кетди,  
Қаён кетмоқдасиз, Ҳазрати Бобур?

Етар бас, кўнглимга кетгайман мен ҳам,  
Бир гўзал оламга етгайман мен ҳам,  
Шу юрт деб,  
Шу эл деб ўтгайман мен ҳам,  
Қаён кетмоқдасиз, Ҳазрати Бобур?



\*\*\*

Дил боқади, кўзларингиз дарчалари,  
Ўйларингиз мангу яшил арчалари,  
Нигоҳимдан аёнмасми барчалари,  
Битта-битта суйгим келди ҳаммангизни.

Қандай гўзал, муҳаббатга ошно дамлар,  
Дил тубида ғамли-ғамсиз бино дамлар,  
Хотир — руҳим қўлларида хино дамлар,  
Битта-битта суйгим келди ҳаммангизни.

Адирдаги болани сиз билмайсизми,  
Оҳ, бу йиллар ... шароб этиб сунмайсизми,  
Кабутардек кафтларимга қўнмайсизми,  
Битта-битта суйгим келди ҳаммангизни.

Хайр этарлар, ёки буткул хайр этарлар,  
Ажралгиси келмай турган кабутарлар,  
Ҳаммалари юрагимда сайр этарлар,  
Битта-битта суйгим келди ҳаммангизни.



## АЖРИМ

Диллигинг гумон мутлақ,  
Орзиқиб кутолмасанг.  
Худо ҳам сўрамайди,  
Худони сўрамасанг.

Бу нима? Кошонами?  
Бунчалар губору чанг.  
Худо ҳам қарамайди,  
Худога қарамасанг.

Энди йиғлаяпсанми?  
Надомат,  
афсус,  
аттанг!  
Худо ҳам ярамайди,  
Худога ярамасанг.

Туфроқдай юмшоқ эди,  
Энди осмон ўпар санг.  
Худо ҳам асрамайди,  
Худони асрамасанг.





## МУНОЖОТ

Илоҳи,  
Лавҳу онларимни ёзган бир қўл бор,  
Туфроқда самога элтар чўнг йўл бор,  
Кўкларда мениям англаган дил бор,  
Худога шукур.

Илоҳи,  
Ишқнинг ширин-аччиқ азоблари бор,  
Унда қоврилмакнинг савоблари бор,  
Бу дунё-у дунё жавоблари бор,  
Худога шукур.

Илоҳи,  
Не бўлса барига камарбаста дил,  
Таним саломатдир, бемор-хаста дил,  
Гоҳ чопиб, гоҳида борар аста дил,  
Худога шукур.

Илоҳи,  
Истасанг, гоҳ сўлсам, очилиб кетсам,  
Истасанг, йиғинмай сочилиб кетсам,  
Сенга сингийверсам, қўшилиб кетсам,  
Худога шукур.  
Илоҳи...



## ИЛТИЖО

*Ҳар на қилсанг ошиқ қилғил, парвардигор!  
Хожа Аҳмад Яссавий.*

Боримсан-ку, дунё менга борлиқмидир,  
Ёки умрим зулматларга тортиқмидир,  
Ёзуқларим дил қатли-чун ёрлиқмидир,  
Ошиқ қилгин, худойима, ошиқ қилгин,  
Бу барҳаёт кўнгилларда қўшиқ қилгин.

Дулдуларим юдуз сочар туёғидан,  
Қутилмадим ҳамон дуннинг сиёҳидан,  
Менинг умрим ялпизларнинг япроғида,  
Ошиқ қилгин, худойима, ошиқ қилгин,  
Бу барҳаёт кўнгилларда қўшиқ қилгин.

Алвон-алвон гуллар оқар дилдарага,  
Ёлвораман, дилим бўл деб дилдорага,  
Қачон раҳминг келади-ей, бечорага?  
Ошиқ қилгин, худойима, ошиқ қилгин,  
Бу барҳаёт кўнгилларда қўшиқ қилгин.

Нима келса сендан келсин, қаҳринг, гулим,  
Нима тутсанг неъмат, ҳатто заҳринг, гулим,  
Кўкайимнинг кўзларида наҳринг, гулим,  
Ошиқ қилгин, худойима, ошиқ қилгин,  
Бу барҳаёт кўнгилларда қўшиқ қилгин.

Нигоҳимда милтилаган ҳайратим — жон,  
Изиллаган изғиринлар ё имтиҳон,  
Аслим ўзинг, фаслим ўзинг, васлинг қачон?  
Ошиқ қилгин, худойима, ошиқ қилгин,  
Бу барҳаёт кўнгилларда қўшиқ қилгин.





## НИДО

Оппоқ деган дунёларим сиёх балки,  
Дунё дилни ўлдиргувчи гиёх балки,  
Савоб дея қилганларим гуноҳ балки,  
Мени ёлғиз ўзинг қўлла, Парвардигор.

Чархлар келди, юрагимни чархлаб кетди,  
Ва жонимни япроқларга нархлаб кетди.  
Улар келиб нимани ҳам фарқлаб кетди,  
Мени ёлғиз ўзинг қўлла, Парвардигор.

Тош отдилар, юрагимда тоғлар пайдо,  
Тупроқ бўлди ўшал тоғлар, доғлар пайдо,  
Қалбим қайга борган бўлса, боғлар пайдо,  
Мени ёлғиз ўзинг қўлла, Парвардигор.

Ҳушим учиб, дунёларга учдим баъзан,  
Ростдан тониб, рўёларга учдим баъзан,  
Йўқ тонмайман, дўстимдан ҳам кечдим баъзан,  
Мени ёлғиз ўзинг қўлла, Парвардигор.

Ахир, қандай яшираман ҳайратимни,  
Биласан-ку, сувратим не, сийратим не,  
Кўриб ўлсам, сени топган Ғайратимни,  
Мени ёлғиз ўзинг қўлла, Парвардигор.



## СЎРОҚ

Боқдимки, дилсизлар судга сиғинмиш,  
Ўткинчи ўй — санам, бутга сиғинмиш,  
Соялар даштида худга сиғинмиш,  
Шул ҳам марҳаматми, ажрми, эй дўст?

Йўл кўрсат, ўзимга сафарлар қилай,  
Ва шул сафарларда зафарлар қилай,  
Ҳақингда ҳақингдай лапарлар қилай,  
Занжирбанд дилларни ечурми, эй дўст?

Пайкаро, пойингда ботиним ботил,  
Ўзим жаллоддирман, ўзимга қотил,  
Сен нур бунёдкори, сен нурдан ҳосил,  
Гуллар гулликдан сўз очурми, эй дўст?

Баски, ғанимни ҳам ҳабибим дедим,  
Мени ҳам дил айла,  
Мен ҳам дил эдим.  
Бу йўллар ибтидо,  
Бу йўллар қадим,  
Кўнгиллар кўнгилга ачирми, эй дўст?



## САНАМ ГУЛ

Юлдузлардан юлдузларга кўчиб боради руҳим,  
Қирғоғи йўқ денгизларни кечиб боради руҳим,  
Дунёлардан, дунёлардан кечиб боради руҳим,  
Ҳам дилдорим, ҳам дилбарим,  
дилда борим санам гул.

Етти фалак айвонида учиб боради руҳим,  
Товонимдан пастга гоҳи тушиб боради руҳим,  
Ишқ майидан қониб-қониб ичиб боради руҳим,  
Ҳам дилдорим, ҳам дилбарим,  
дилда борим санам гул.

Минг мушкулот тугунларни ечиб боради руҳим,  
Мингта армон, мингта ғамни қучиб боради руҳим,  
Фақат сен деб, фақат сенга шошиб боради руҳим,  
Ҳам дилдорим, ҳам дилбарим,  
дилда борим санам гул.

Борларини пойларингга тўшаб боради руҳим,  
Ва тобора сенга, жоним, ўхшаб боради руҳим,  
Яшартириб, ҳам яшариб, яшаб боради руҳим,  
Ҳам дилдорим, ҳам дилбарим,  
дилда борим санам гул.



**ДАЪВАТ**

*Ишон, одам, баҳорга ишон.*

**Шавкат Раҳмон.**

Бошлаб келдим баҳорни, мана,  
Қизгалдоқлар кўксимда нишон.  
Гул қалбида нозик тантана,  
Ишон, фақат баҳорга ишон.

Кел, оламини нурларга ўра,  
Қирларнинг оқ кўйлаги оқшом.  
Ялпизгинам, бинафша жўра,  
Ишон, фақат баҳорга ишон.

Дил бормоқда дунёни енга,  
Унга керак на шуҳрат, на шон.  
Йўқ, ишониб бўлмайди менга,  
Ишон, фақат баҳорга ишон.

Учди-кетди қуёшга тикка,  
Жоним, қушим, муборак хуш он.  
Иймон бордир кўнгилда якка,  
Ишон, фақат баҳорга ишон.



## ЯМ-ЯШИЛ ТУЙҒУ

Бир мунис ифорлар димоғимдадир,  
Токи, қизғалдоқзор юрак бор, токим.  
Бир ҳовуч тун кафту бармоғимдадир,  
Айт, ким у қуёшга кетаётган, ким?!

Намчил ҳаволар ҳам кетдилар титраб,  
Ҳамиша қалбимда ўйлари ҳоким.  
Қарашлари менга ўхшайди, ё раб,  
Айт, ким у қуёшга кетаётган, ким?!

Оламни қоплади ям-яшил туйғу,  
Дунё йиғламоқда ... сўкилди чоким.  
Эзилиб, ҳам эзиб инграган чолғу,  
Айт, ким у қуёшга кетаётган, ким?!

Ғамлар сайҳонида қалбларим қуроқ,  
Чиндан ҳам ўзимми, ўзимман балким.  
Барибир коинот қадар бир сўроқ,  
Айт, ким у қуёшга кетаётган, ким?!

Бир мунис ифорлар димоғимдадир...





## ҲАЙРАТ

Лоларуҳ тонгларда учган хазонлар,  
Заминга беозор тушган хазонлар,  
Туфроқни ёридай қучган хазонлар,  
Мен кимнинг бахтиман,  
Сен кимнинг бахти?

Тўлқин-тўлқин бўлиб оққан адирлар,  
Товланиб кўкларга боққан адирлар,  
Аланга бўлиб дил ёққан адирлар,  
Мен кимнинг бахтиман,  
Сен кимнинг бахти?

Шивирлаб-шивирлаб эсан шамоллар,  
Гулларнинг қалбини сезган шамоллар,  
Дунёни минг марта кезган шамоллар,  
Мен кимнинг бахтиман,  
Сен кимнинг бахти?

Ичи тўла гавҳар, маржон дарёлар,  
Гоҳо маржонлари арзон дарёлар,  
Гўё йўлга чиққан карвон дарёлар,  
Мен кимнинг бахтиман,  
Сен кимнинг бахти?

Кўзимдан думалаб тушган юдузлар,  
Кўксимни тимдалаб тушган юдузлар,  
Дил бўлиб, дил тилаб тушган юдузлар,  
Мен кимнинг бахтиман,  
Сен кимнинг бахти?



## ЁМҒИРЛАР

Сўнгсиз дард қалбимга тинмай қуюлар,  
Ахир, бу дилимнинг тенгсиз дилбари.  
Кимнингдир кўз ёши бўлиб туюлар,  
Баҳор ёмғирлари, куз ёмғирлари.

Кўрдим, қон қақшатиб маъсудаларни  
От чопиб ўтдилар дилсизлар бари.  
Дунё қадрига ет озодаларни,  
Баҳор ёмғирлари, куз ёмғирлари.

Хору хасларни ҳам неъмат англадим,  
Яшиндек кетмоқда дил илдиз сари.  
Бунчалар навқирон, бунчалар қадим,  
Баҳор ёмғирлари, куз ёмғирлари.

Қара, тоғу тош ҳам кўкармоқда кўр,  
Оқиб бораётир қир-адирлари.  
Эй, дил чорламоқда, чорламоқда юр,  
Баҳор ёмғирлари, куз ёмғирлари.

Қуёшми, покиза оҳлар ёлқини,  
Шабнамлар порлаган кўзлар гавҳари.  
Ҳаяжон тошқини, соғинч тўлқини,  
Баҳор ёмғирлари, куз ёмғирлари.



## **ЗУЛФИЯ МОМОНИНГ ҚИЗЛАРИ**

Қанча яшашини билмайди инсон,  
Бир кун осмонларга учиб кетгай жон.  
Чархга мерос дилнинг тоза сўзлари —  
Зулфия момонинг сулув қизлари.

Муниса япроқлар неъматдир бешак,  
Бунда тошларни ҳам тушунмоқ керак.  
Гоҳ жаннат, гоҳ дўзах ҳақнинг рўзлари,  
Зулфия момонинг сулув қизлари.

Бунда ҳар гул айтар соҳибчиройман,  
Баъзан юдузларга қараб ўйлайман.  
Бу кўкнинг чарақлаб турган кўзлари —  
Зулфия момонинг сулув қизлари.

Билгин-эй, ёлгоннинг даврони бекор,  
Нозик дилларга бир Тўмарис даркор.  
Озодлик кўнгилнинг нурли кезлари,  
Зулфия момонинг сулув қизлари.

Маҳкам тут, қўлингда қуёшли қалам,  
Қуёшли қаламдан қуёшли олам.  
Ўчмасин Зулфия момо излари,  
Зулфия момонинг сулув қизлари.



Гуллаб кетди, тилакка боқ,  
Қонаб кетди, юракка боқ,  
Юрак кезган йўлакка боқ,  
Энди сен ҳам қонсанг яхши.

Дилми, ишқми, бу не... тандир,  
Ловуллаган руҳи тандир,  
Гулни ёндир, дилни ёндир,  
Сўнг қўшилиб ёнсанг яхши.



## АЛАМ

Ойнинг ўроғи билан  
Кўнглимни тирлатаман.  
Қуёшни олиб кўқдан  
Кўксимда ухлатаман.  
Ваҳ, ёниб кетди юрак,  
Дунёни чўғлатаман.  
Йиғлатиб энди ўзни,  
Сени ҳам йиғлатаман.

Бошимни кўтаргандим,  
Осмонга тегиб кетди.  
Юлдузлар кўз ёшимдек  
Тупроққа сингиб кетди.  
Боғ тўла гулчаларни  
Билмам, ким юлиб кетди.  
Йиғлатиб энди ўзни,  
Сени ҳам йиғлатаман.

Зухроси зор қақшайди,  
Тоҳири йўқ, билмайман,  
Замири қандай чархнинг,  
Зоҳири йўқ, билмайман.  
Боши пок, нурдай эди,  
Охири йўқ, билмайман.  
Йиғлатиб энди ўзни,  
Сени ҳам йиғлатаман.

Қалбимда алвон-алвон  
Онгламга кетолмасам,  
Қилгандек ўзим орзу  
Бонгламга кетолмасам,  
Энг ҳарир, энг мусаффо  
Тонгламга кетолмасам.  
Ўзимни йиғлатиб зор,  
Сени ҳам йиғлатаман.

## ЗУЛФИЖОН

Зулфи, зулфи, зулфи жон,  
Надир қалбнинг урфи, жон.  
Меҳр билан очилур,  
Кўнгилларнинг қулфи, жон.

Орзу дилим арки, жон,  
Ғам ҳам унинг кўрки, жон.  
Соғинч нима билмасам,  
Қилсам яхши тарки жон.

Армон умрим шарҳи, жон,  
Ишончларим барқи, жон.  
Зарлар билан ўлчанмас,  
Юракларнинг нархи, жон.

Зулфи, зулфи, зулфи жон,  
Севги қалбим урфи, жон.  
Очилади ишқ билан,  
Кўнгилчамнинг қулфи, жон.

Руҳим буткул шеърга жон,  
Руҳдай тоза сирга жон.  
Сенсиз яшаб бўлмайди,  
Сен-ла, сен-ла бирга жон.



## ҚЎШИҚ

Дилдаги оҳим гўзал,  
Кўкдаги моҳим гўзал.  
Келмайсан келгин десам,  
Надир гуноҳим, гўзал.

Сочлари денгиз, дедим,  
Оламда тенгсиз, дедим.  
Оҳ, сенга элтар йўллар,  
Бунчалар сўнгсиз, дедим.

Куз, сенинг хазонинг кўп,  
Эй шамол, тўзонинг кўп.  
Ошуфта кўнглим учун  
Аталган армонинг кўп.

Сен ойга кўзгу, билсанг,  
Умидим эзгу, билсанг,  
Дунёда муҳаббату  
Садоқат мангу, билсанг.



## МАРДЛАР ЮРТИ

Шивирлаб мозийдан чинорлар айтсин,  
Бир ажиб сукутда минорлар айтсин,  
Бу кунни чин ёрлар, чин орлар айтсин,  
Боболардан мерос мардлар юрти бу!

Шаҳри Кеш, Самарқанд, Китобларим-эй,  
Қалбимда жойлашган офтобларим-эй,  
Эй сиз, айтилажак хитобларим-эй,  
Боболардан мерос мардлар юрти бу!

Муҳаббат оҳанги ол чечакларда,  
Барчин садоқати келинчакларда,  
Қанча Алпомиши беланчакларда,  
Боболардан мерос мардлар юрти бу!

Дилсиз қайдасан-у, дилсиз қайдаман,  
Сачраниб уйғондим, дилга қайтаман,  
Юлдузларга чиқиб қўшиқ айтаман,  
Боболардан мерос мардлар юрти бу!





\*\*\*

Дунё, асрорларинг кўп,  
Кичкинаман, билмайман.  
Менга боқмаганларни  
Назаримга илмайман.

Кўрдим, турланиб келдинг,  
Гўё ҳурланиб келдинг,  
Чинми, нурланиб келдинг,  
Беишқларни билмайман.

Бунда бахтлар тўкинмас,  
Қалблар қалқмас, ўкинмас,  
Қарғачалар бекинмас,  
Гулман, ҳечам сўлмайман.

Бу дил инжа тутурман,  
Қанча, шунча тутурман,  
Менам кенжа ботирман,  
Дунё нима, ўлмайман.

Дунё, асрорларинг кўп,  
Кичкинаман, билмайман.  
Менга боқмаганларни,  
Назаримга илмайман.



**ВАСФ**

Нигоҳида ой балққан,  
Киприги юдуз таққан.  
Бу дилбарнинг хаёли  
Юрак-бағримни ёққан.

Яшаяпман ёнида,  
Ёнида, ҳижронида.  
Унинг каби бир гул йўқ,  
Бу жаҳон бўстонида.

Жоним қайнаб бормоқда,  
Қоним қайнаб бормоқда.  
Висолин умидида  
Оним қайнаб бормоқда.

Эй, кўзлари жайроним,  
Эй, қошлари камоним.  
Айтишим керак бўлган,  
Айтилмаган достоним.



## **БОБУРГА АЙТИЛГАН ҚЎШИҚ**

Ҳеч кимга кўрсатмайман,  
Қалбимдаги ярамни.  
Дунёга бергим келмас,  
Кўксимдаги ноламни.  
Худо ўзинг асрагин,  
Қайсаргина боламни,  
Ёлғизгина боламни,  
Ўжаргина боламни.  
Эрка ўсган, айтганин  
Қилдирмасдан қўймайди.  
Мен биламан, бу ҳолда  
Кўплар уни суймайди.  
Мен гул бўлсам, ажралмас  
Япроғим-да, боламжон,  
Авайлайман, асрайман,  
Қароғим-да, боламжон.  
Эр йигитдир, нокаслар  
Отган тошдан қўрқмайди.  
Юрагида зил бўлиб  
Ботган тошдан қўрқмайди.  
Дил дардида розиман,  
Нотинч куни кўп бўлсин.  
Лек умр сўқмоғида,  
Севинч куни кўп бўлсин.  
Оламларга нурафшон  
Ҳаёт бергиси келар.  
Ҳеч ким айта олмаган  
Баёт бергиси келар.  
Худо ўзинг асрагин,  
Ёлғизгина боламни,  
Қайсаргина боламни,  
Ўжаргина боламни.

## ҚИЗИМ ШАҲИНАГА

Юзим силаб турган митти қўлчалари,  
Худойимнинг менга берган гулчалари,  
Нималар деб чулдирайди тилчалари,  
Кўзим нури, асал қизим, қаймоқ қизим,  
Нигоҳлари ой нуридан оппоқ қизим.

Юрагимни чаман эттай кулгулари,  
Бирам ёқар аразлари — қайғулари,  
Нима ҳақда билгим келар орзулари,  
Кўзим нури, асал қизим, қаймоқ қизим,  
Нигоҳлари ой нуридан оппоқ қизим.

Алла қизим, аллалардан уйғон дейман,  
Кўнгилларни яшнатар бир тугён дейман,  
Туйғулардан яралсин бир жаҳон дейман,  
Кўзим нури, асал қизим, қаймоқ қизим,  
Нигоҳлари ой нуридан оппоқ қизим.

Қалбимизда ажиб-ажиб сирлар бўлгай,  
Умидимиз осмонўпар қирлар бўлгай,  
Биз сўйласак, сўзларимиз дурлар бўлгай,  
Кўзим нури, асал қизим, қаймоқ қизим,  
Нигоҳлари ой нуридан оппоқ қизим.



## **КЎЗЛАРИНИ СОҒИНАМАН**

Сенми, сенми, сен назарга илармидинг,  
Ялпизларнинг ҳаёт отли сўзларини.  
Телба дунё, армон нима билармидинг,  
Кўзларини соғинаман, кўзларини.

Баҳоржоним, қўй юракни қонатмагин,  
Шаршаралар айтмоқда-ку бўзларини.  
Гоҳо маъюс, гоҳо қувноқ, жондан ширин,  
Кўзларини соғинаман, кўзларини.

Андухларми, тиним билмай тиф отадир,  
Қизғалдоқзор айлаб кўнглим ҳисларини.  
Нигоҳлари тунларни ҳам уйғотадир,  
Кўзларини соғинаман, кўзларини.

Баҳор келса, топиб олгай чаманзорлар,  
Булбуллари кетиб қолган рўзларини.  
Қайдан билай, борми менга интизорлар,  
Кўзларини соғинаман, кўзларини.

Ошиқларга авайламоқ гўзал удум,  
Муҳаббатга тўлиб кетган кезларини.  
Худо берган ёлғизгина саодатим,  
Кўзларини соғинаман, кўзларини.



## БОЛАЛИК СОҒИНЧИ

Қирққиз тепаларда лолақизғалдоқ,  
Менинг юрагимдан сачраган нола.  
Йўлингга кўз тикиб турибман муштоқ,  
Олис адирларда югурган бола.

Тоғнинг бағрин ёриб чиққан эй булоқ,  
Шилдираб оқишинг мунис шалола.  
Эсимда тим қора, кўзлари мунчоқ,  
Олис адирларда югурган бола.

Сочига толбаргак ярашган ҳой қиз,  
Намунча чиройли қизингиз, хола.  
Кўнглимни чўлғаган бирам тотли ҳис,  
Олис адирларда югурган бола.

Менинг ўжар синглим орзуси осмон,  
Кумуш кулгуларинг нурдан зилола.  
Юрагим энг тоза ўйларга макон,  
Олис адирларда югурган бола.

Онажон, қалбимни мен кимга айтай,  
Бирдан ёндирсам-у, сочимдан тола,  
Пайдо бўлиб қолса эртақдагидай,  
Олис адирларда югурган бола.



\*\*\*

Хўжа Илм Кон. Ойдан гўзаллар,  
Ўпсам бўлмасмиди изчаларини.  
Кўнглим, нимасига мафтун бўлдинг-ей,  
Тошканднинг тошбағир қизчаларининг!  
Негадир юрагим увишиб кетар,  
Кимгадир нимадир келади айтгим.  
Шаҳарни тўлдириб юради бир қиз,  
Менингдек ошиқмас шу қизга ҳеч ким.  
Мана қайтаяпти. Бевафо йигит.  
Энтикиб қўяди қадим маконлар.  
Сен аччиқ йиғлайсан,  
Ўшанда —  
Хувиллаб қолади Тошқанд томонлар.



## ЧАРҲИ КАЖРАФТОР

Ғижимла-да, қафасдан суғур,  
Отгин кўкка, отолмасанг ор.  
Тўхтамайди замона қурғур,  
Айланади чархи кажрафтор.

Унут бўлар гуллар ҳам чида,  
Ер кичкина, ҳатто осмон тор.  
Қачонгача умрим беҳуда,  
Айланади чархи кажрафтор.

Гўзал эди бу жойлар, дўстим,  
Толлар қатор, тераклар қатор.  
Мен ғамистон боғларда ўсдим,  
Айланади чархи кажрафтор.

Титраб-титраб тўлғонди ҳаво,  
Жоним, ёмон эзилди дутор.  
Мингта яра, ҳам мингта даво,  
Айланади чархи кажрафтор.

Сен келдинг-у, адашди ўлим,  
Дилим мангу ўйингда бедор.  
Тўхтаб қолди замона, гулим,  
Тўхтаб қолди чархи кажрафтор.





## МУЛОҚОТ

Сендан нени яширай, дунё,  
Кимлар жасур, ботир бўлади.  
Тўлқинлари қалбим дарёсин  
Нигоҳимда содир бўлади.

Харсангларинг эрийди қордай,  
Ёшим — маржон, нодир бўлади.  
Қодир эгам, ҳолим забундир,  
Сен бор, дилим қодир бўлади.

Оппоқ гуллар бошимда маним,  
Қара, оппоқ адир бўлади.  
Холис-холис орзуларим мўл,  
Бир кун гўзал надир бўлади.

Кунлар кунга айланар унда,  
Зангор-зангор хотир бўлади.  
Илдизларим дунё бошидан  
Гул сочар, гул отур бўлади.

Сендан нени яширай, дунё...



## СОБИТЛИК

Бошим узра барги хазон айланади,  
Фалакларда мунис азон айланади,  
Минг сунбула, мингта мезон айланади,  
Шу айланар чархда менинг йўлим бўлак.

Кўнгилларда қанча тўзон айланади,  
Гоҳи шайтон, гоҳи раҳмон айланади,  
Бари қийин, бари осон айланади,  
Шу айланар чархда менинг дилим бўлак.

Омон-омон, замон-замон айланади,  
Кимдир бемор, кимдир эсон айланади,  
Саҳроларда баъзан бўстон айланади,  
Шу айланар чархда менинг гулим бўлак.

Гоҳи юрак ўққа нишон айланади,  
Гоҳи ишққа бир қаҳкашон айланади,  
Кимдир беном, кимдир бешон айланади,  
Шу айланар чархда менга ўлим бўлак.



## МАРЖОН

Қалбимни қайчилар қийиблар кетди,  
Ўйларинг ўйимни ўйиблар кетди,  
Кўйингда куйманиб куйиблар кетдим,  
Шафқат айлайсанми парвоналарга?

Ҳилолим, хурдек хурлиқо бўлибдур,  
Андалибман, айшим анқо бўлибдур,  
Бошимда балолар бақо бўлибдур,  
Шафқат айлайсанми парвоналарга?

Шавқи шўришимдан шеърлар сочилмиш,  
Қалбимдан қизғалдоқ қирлар сочилмиш,  
Сайҳонлар саҳнида сирлар сочилмиш,  
Шафқат айлайсанми парвоналарга?

Руҳимда ранжларим рангдор, дилижон,  
Бадарға бўлганми баҳор, дилижон?  
Дунёйи дардмикан дийдор, дилижон?  
Шафқат айлайсанми парвоналарга?



## ИЛҲАҚЛИК

Зор йиғладим, бутун замин кўл бўлди-ей,  
Самоларнинг кўм-кўк юзи хўл бўлди-ей,  
Юрагимда армонларим мўл бўлди-ей,  
Моҳларойим, келармисан, келмасмисан?

Ай бокирам, мадад бергин, ўтинаман,  
Ўртанаман, куйдим ишқнинг ўтиминан,  
Минг йилдирким, соғинаман, зор кутаман,  
Моҳларойим, келармисан, келмасмисан?

Булбуллар-ла зоғлар сира тиллашмагай,  
Бўри зоти шерлар билан беллашмагай,  
Кўнглим, сени ёт кўнгиллар билишмагай,  
Моҳларойим, келармисан, келмасмисан?

Бир кам дунё, бири ортиб кетар дунё,  
Қачон вафо кўчасидан ўтар дунё,  
Шунча қайғу, шунча андуҳ етар, дунё,  
Моҳларойим, келармисан, келмасмисан?

Қизғалдоққа баробардир жуссагинам,  
Етти кўкни тутиб кетар ғуссагинам,  
Ўзгалардан сўрорим йўқ, йўқдир гинам,  
Моҳларойим, келармисан, келмасмисан?



## ОЛАМ

Олам, менга армонларинг ҳисса бўлар,  
Ўзи шундай, бору йўғим ғусса бўлар.  
Буюк тоғлар битта ғамим кўтаролмай,  
Кичик кўксим олдида хўб изза бўлар.

Кўзим, мана, қизғалдоқлар қорасида,  
Наргисларим маликадир орасида,  
Юраккинам ялпизлардай норасида,  
Ифоридан дилбар олам тузса бўлар.

Орзуларим осмон каби фирузадир,  
Чарҳда кимдир гул экар, ким гул узадир,  
Эпкин эмас, нафасидан дил эсадир,  
Ёзай десам шу дил мингта қисса бўлар.

Мен қалбимни олиб келдим қароғимда,  
Минг малоҳат бўйи жавоб-сўроғимда,  
Келдим, ана, олиб кетай Буроқимда,  
Келган балки бинафшадай жусса бўлар.

Олам, ғаму андухларинг ҳисса бўлар,  
Ўзи шундай, бору йўғим ғусса бўлар.  
Баланд тоғлар битта ғамим кўтаролмай,  
Кичик кўксим олдида хўб изза бўлар.



## ИҚРОР

Ишқ қуёши қуёшим билсанг,  
Юрагимда ёниб турган чўғ.  
Яшнаб кетар кўзларинг кулсанг,  
Кўзларингни унутганим йўқ.

Ғамми, қувонч насиба рўзлар,  
Оппоқмиди, олмиди юзлар,  
Эсимда йўқ кечаги сўзлар,  
Кўзларингни унутганим йўқ.

Ҳар кишининг ори бўлсин-эй,  
Ҳамда ҳалол кори бўлсин-эй,  
Бир вафодор ёри бўлсин-эй,  
Кўзларингни унутганим йўқ.

Шарқираган сойлар қайдадир,  
Ҳуснига қул ойлар қайдадир,  
Жайрон чопган жойлар қайдадир,  
Кўзларингни унутганим йўқ.

Кўнгил ичра бир ширин қайғу,  
Кетма қайғу, яшагил мангу,  
Исмингни ҳам билмайман, туйғу,  
Кўзларингни унутганим йўқ.



## СОЧЛАРИНИНГ ШАМОЛИ

Нима, ахир, дунёнинг  
Мангу яшар иқболи.  
Баҳор бўйин келтирар,  
Сочларининг шамоли.

Зарра кибр бор бўлса,  
Билгин дилнинг заволи.  
Майсаларни эркалар,  
Сочларининг шамоли.

Осмон билан сирлашмоқ,  
Азим тоғлар аъмоли.  
Булутларни учирар,  
Сочларининг шамоли.

Кийикчалар нигоҳи,  
Дилнинг оғир саволи.  
Жавоб топиб бергайму,  
Сочларининг шамоли.

Порлар қуёш ўчмагай,  
Нури, тафти камоли.  
Бергай ёнмоқ лаззатин,  
Сочларининг шамоли.

Типирчилар юрагим,  
Оҳ, дарди бедаволи.  
Олиб кетсин бутунлай,  
Сочларининг шамоли.



## ЭЙ ГУЛ

Ичикиб қирларга гул сочди баҳор,  
Ногаҳон йўқотди осмон кўзини.  
Ҳали ҳеч қандай гул сен каби ёниб,  
Бахшида этмаган менга ўзини.

Ким сенга қоқилиб йиқилди, эй тош,  
Ким боғлаб қўяди оғриган ерин.  
Ҳали ҳеч қандай гул сен каби ёниб,  
Ишониб айтмаган менга бор сирин.

Қара, оламларни тутмоқда бир оҳ,  
Оҳларга тўлди-я, бўйи ва эни.  
Ҳали ҳеч қандай гул сен каби ёниб,  
Севмаган, севмаган, севмаган мени.

Мен қачон, айт, қачон арзийман сенга,  
Бошимга балолар бўлса ҳам оғрин.  
Ҳали ҳеч қандай гул сен каби ёниб,  
Энтикиб бағримга босмаган бағрин.





## ҚАРОФИМДА АСРАГАНИМ

Ассалом алайкум,  
Кўзимнинг тўри!  
Сеники салтанат, шоҳона сарой.  
Асл эгасини топган ит каби,  
Сенга эргашаман кўнгил қадар, ой.

Сенга келаяпман кўнгил, кўнгиллаб,  
Хаёлинг — нишонгул, мен қадай-қадай.  
Уним умаланиб кетаётирми,  
Қадим минорларнинг қадим фиштидай.

Сенга келаяпман.  
Унутдим.  
Отдим.  
Кечдим ҳаммасидан видо фаслида  
Кўнгил деганларми санам қуллари,  
Менга ўзинг керак, ўзинг аслида.

Сенга келаяпман, сенга эргашиб,  
О, Ватан мусаффо...  
Йўллар хатар ой.  
Хайр...  
Керак эмас, кўзимнинг тўри,  
Сенингсиз шоҳона салтанат, сарой.



## МАЪСУЖОН

Оҳулардан чиройли,  
Нигоҳлари, оҳ, у жон,  
Кўзинг сени, бир гўзал,  
Кулар эди, Маъсужон.

Шунчалар тор бу олам,  
Сигмас юрак, сигмас жон,  
Юрагимни ғам-алам,  
Тилар эди, Маъсужон.

Дилдай тоза туйғуни,  
Эркалаб қўй, эй осмон.  
Кўнглимдаги қутқуни  
Билар эди, Маъсужон.

Дунё нима, дунё ким,  
Борми ўзи ном-нишон.  
Ҳаммасини билиб жим,  
Юрар эди, Маъсужон.

Эслагим йўқ, қай куни,  
Тўйи бўлди ... кет, ҳижрон.  
Севар эдим мен уни,  
Севар эди, Маъсужон.

Ўтди-кетди ҳаммаси,  
Дилда қолди зўр армон.  
Отанг сени шоирга  
Берармиди, Маъсужон.



## **ЖОНИМ**

Ёлғизлик — севгилим, ҳабибим, жоним,  
Ҳамма туйғулардан маҳбубим, жоним.  
Оғриқлар турганда юракда ногоҳ,  
Ҳаёт — малҳам тутган табибим, жоним.

Энг дилбар, ифорли райҳоним, жоним,  
Райҳон-ла тиллашган найсоним, жоним.  
Фалак кенглигида чошиб кетётган  
Муаззам умидим, жайроним, жоним.

Йўқотиб топганим, ҳушимсан, жоним,  
Кунимга айланган тушимсан, жоним.  
Мендан кетганларга аччиқма-аччиқ,  
Кўксимда ин қурган қушимсан, жоним.

Ёлғон десам сендан олисман, жоним,  
Мен сенда содиқман, холисман, жоним.  
Шунча муқаддассан, шунчалар кўркам,  
Сенсиз бечораман, ёлғизман, жоним.



## СЕНИНГ ИСМИНГНИ...

Жонидан тўйдириб зулматни буткул,  
Бутунлай қошингга қайтгим келади.  
Қиру адирларга қон сепган, эй гул,  
Бир сенинг исмингни айтгим келади.

Жудолик даштида юрдим тентираб,  
Маним зорлигимни ким ҳам билади.  
Кулиб, ҳеч бўлмаса, Мажнундай йиғлаб,  
Бир сенинг исмингни айтгим келади.

Истаса, беадад саодат берган,  
Истаса, қаҳри-ла дилни тилади.  
Эй, осмон, кўзимнинг дурларин терган,  
Бир сенинг исмингни айтгим келади.

Қачон бу оламга равшанлик насиб,  
Десамки, тумонат сирга белади.  
Дунёни, ўзимни тамом унутиб,  
Бир сенинг исмингни айтгим келади.

Менми, гуноҳига чўккан дарбадар,  
Бир кун гуноҳига чўкиб ўлади.  
Барибир милён йил, мангулик қадар,  
Бир сенинг исмингни айтгим келади.



## ҲАЁТИМ

Манам битта мусофир,  
Сафарга келдим, эй дил.  
Енгмоқ учун дунёни  
Зафарга келдим, эй дил.

Ҳар қадамда минг тузоқ,  
Қондир юрак, кўнгил дов.  
Ўйлаб қарасам бундоқ,  
Хатарга келдим, эй дил.

Ҳар бир нафасим эҳсон,  
Англа юрак, англа жон.  
Қалбимни, борки имкон,  
Айтарга келдим, эй дил.

Жонни жонга тутай деб,  
Тоқатдан кўп кутай деб,  
Не ғам келса ютай деб,  
Кадарга келдим, эй дил.

Рухимни нурга қориб,  
Юрсам тун бағрин ёриб,  
Боримни сенга бориб  
Тутарга келдим, эй дил.



## МУНАВВАР ДАРД

Бир мунаввар дардлар менга сингил бўлди,  
Дунё сенинг қай бир ишинг енгил бўлди?  
Балоларга қолиб кетган кўнгил бўлди,  
Онажоним, ўйларимдан кечолмайман,  
Мунгли-мунгли куйларимдан кечолмайман.

Кўшиқ айтиб учаяпман осмонларга,  
Юрагимни сочиб-социб сайҳонларга,  
Қалдирғочлар чуғурлаган айвонларда  
Қилган орзу-ўйларимдан кечолмайман,  
Мунгли-мунгли куйларимдан кечолмайман.

Бу йўл экан, ўтаверар одамлар ҳам,  
Гоҳо изли, гоҳо изсиз қадамлар ҳам,  
Баъзан малҳам бўлолмаскан малҳамлар ҳам,  
Ўжар-қайсар ўйларимдан кечолмайман,  
Мунгли-мунгли куйларимдан кечолмайман.

Чаман-чаман гул ундириб тупроғимдан,  
Яшайдирман нурлар сепиб чироғимдан,  
Она, сизни жондай асраб қароғимда,  
Эзгу, дилбар ўйларимдан кечолмайман,  
Мунгли-мунгли куйларимдан кечолмайман.



## **БАХТИЁР АКАНИНГ ФАРЁДИ**

Барчасига гувоҳдирсан, даҳри қадим,  
Кўнгил қургур гоҳи шод, гоҳ маҳзун экан.  
Дунёсида энг бахтиёр одам эдим,  
Отажоним, сиз-ла бахтим бутун экан.

Не иш қилсам бўлар эди борингизда,  
Кўзим чақнаб турар эди борингизда,  
Кўнглим тоғдай юрар эди борингизда,  
Отажоним, сиз-ла бахтим бутун экан.

Уй тўрида сувратингиз кулиб тургай,  
Пок руҳингиз бизни дуо қилиб тургай,  
Аmmo менинг кўксимни ғам тилиб тургай,  
Отажоним, сиз-ла бахтим бутун экан.

Ота, болам кўзларида сиз бордексиз,  
Ёруғ-ёруғ юзларида сиз бордексиз,  
Дада деган сўзларида сиз бордексиз,  
Отажоним, сиз-ла бахтим бутун экан.

Хотиралар сўлим-сўлим бўстонимдир,  
Сизга хизмат қилолмадим, армонимдир,  
Сиз ётган жой кўқдан баланд осмонимдир,  
Отажоним, сиз-ла бахтим бутун экан.



## КЎЗИМДАН СИЗИЛИБ ОҚАЁТГАН ШЕЪР

Учиб бормоқдаман ҳатто нурдан тез,  
Малакларнинг учар гиламларида.  
Бир оғриқ сачрайди, муқаддас оғриқ,  
Дилларга кўнглимнинг қатламларидан.

Еллар тўлқинида оқмоқда юрак,  
Дилни дилдиратган титроқлар ширин.  
Малаклар, севмайман осмонни, ахир,  
Самолардан юксак тупроқлар ширин.

Йўқ-йўқ, бу кўз ёшмас, улкан ҳайратдан  
Кўзимдан сизилиб оқаётган шеър.  
Бу дунё садақа менинг бошимдан,  
Садақа бўлмаган дунёларни бер.





## БИТТА СЎЗ

Мен ҳам яшаяпман ғамга қоришиб,  
Ўзим билан ўзим исён ичида.  
Олам, сенга бир сўз келади айтгим,  
Битта сўз турибди тилим учида.

Битта сўз, ҳаттоки, ҳарир нурлардан,  
Айтсам юдузлар ҳам ерга ёғадир.  
Шунчалар севаман билсанг, ўзимдан  
Қизғониб қўяман уни неғадир.

Аммо сен қийнайсан жонимни ёмон,  
Кейин қийма-қийма қиласан такрор.  
Наҳот тушунмайсан, бу сўз умримдир,  
Битта сўз, битта сўз ҳаёт муқаррар.



## СЕНИ ТОПСАМ ЎЗНИ ЙЎҚОТИБ

Айрилиқнинг даштида кезиб,  
Умидларим кетдилар тўзиб.  
Сен келсайдинг, ҳу ой — кулчани,  
Қўлларингга берсайдим узиб.

Қон қилиб, қон ютмоқда юрак,  
Жондан ёмон ўтмоқда юрак.  
Бу кўнгилни ишониб кимга,  
Қаёнларга кетмоқда юрак?

Мен девона, ёмон бўлдим мен,  
Армон бўлдинг, армон бўлдим мен.  
Сен бор бўлгин, бахтли бўл, эркам,  
Менми, шундай тамом бўлдим мен.

Олма юзинг ўпсайдим, кошки,  
Йўлингга нур сепсайдим, кошки.  
Мен ўзимни йўқотдим охир,  
Ёлғиз сени топсайдим, кошки.



## ОҲАНГ ИСИ

Ошиқларнинг кўзларидан ёққан ёмғир,  
Ҳаётимнинг мазмунидир алвон чоғир,  
Бу оламда кўнглум сағир, мен ҳам сағир,  
Гулим, сизнинг нигоҳингиз оғир-оғир,  
Ахир, бизнинг гуноҳимиз оғир-оғир.

«Ўртанасиз, ё кўйимда куйдингизми,  
Дилингиз қон, кипригим-ла ўйдингизми,  
Суйдингизми, суйдингизми, суйдингизми?»  
Гулим, сизнинг сўроғингиз оғир-оғир,  
Ахир, бизнинг гуноҳимиз оғир-оғир.

Мен куймасам, дунёларим кул бўб кетар,  
Дилбар-дилбар туйғуларим тул бўб кетар,  
Неки қувонч юрагимда, сил бўб кетар,  
Гулим, сизнинг, оҳ, оҳингиз оғир-оғир,  
Ахир, бизнинг гуноҳимиз оғир-оғир.

Қалдирғочлар валфажиру айтар ёсин,  
Димоғимни куйдирган бир оҳанг исин,  
Йўқ, кўтара олмайдирман, тўкилмасин,  
Гулим, сизнинг япроғингиз оғир-оғир,  
Ахир, бизнинг гуноҳимиз оғир-оғир.

Буткул кўчиб кетгим келар осмонларга,  
Тезроқ учиб кетгим келар осмонларга,  
Сизни қучиб кетгим келар осмонларга,  
Гулим, сизнинг гулшоҳингиз оғир-оғир,  
Ахир, бизнинг гуноҳимиз оғир-оғир.



## ЮЗМА-ЮЗ

Дунё, менми, шундай наргисдай жусса,  
Яримта кўнглимда ўйларим бутун.  
Эй, сен кўзларимни яшнатган гусса,  
Мен, ахир бир келдим, бир марта келдим.

Зумуррад бу тонглар кўзим оқидан,  
Қароғим қорайди... қайдасан, бахтим.  
Кунлар куйиб борар кўнглим оқидан,  
Мен, ахир бир келдим, бир марта келдим.

Очилгинг келади сенинг ҳам, гунча,  
Нетай, олам кенгмас, ҳаво бунча дим,  
Мен минг йил йиғлайман бир сўз айтгунча,  
Мен, ахир бир келдим, бир марта келдим.

Оҳ, соғинч ёшлари кўзимда жиққа,  
Жунжикиб кетади бу ҳисдан эгим.  
Мен энди келмайман, келмайман бошқа,  
Мен, ахир бир келдим, бир марта келдим.

Менми, ялпиздай ё наргисдай жусса,  
Умидим — кўкларга элтгувчи шахтим.  
Эй, сен, кўзларимни яшнатган гусса,  
Мен, ахир бир келдим, бир марта келдим,



**ТЕРС ШЕЪР**

Ойдин қучоғимда бир гул йиғлади,  
Бир гул йиғламади, кўнгул йиғлади,  
Бу не лаҳзадирки, минг йил йиғлади,  
Сен нечун йиғладинг?  
Мен йиғламадим.

Юрагим тош экан, тошлар йиғламас,  
Ким айтар сабрлар, дошлар йиғламас,  
Фошлар ёлғон йиғлар, лошлар йиғламас,  
Сен нечун йиғладинг?  
Мен йиғламадим.

Сочилган тунларни туймайми эди?  
Кўзларинг кўйида куймайми эди?  
Суймайми, суймайми, суймайми эди?  
Сен нечун йиғладинг?  
Мен йиғламадим.

Ёндим, юрагимда қуёш оқмоқда,  
Ва ёки кўзимдан қон - ёш оқмоқда,  
Охир, оғир-оғир бардош оқмоқда,  
Сен нечун йиғладинг?  
Мен йиғламадим.



## ҚАРАМА-ҚАРШИЛИК

Сиз мен каби йиғламагансиз,  
Ғам нимадир, билмайсиз мендай.  
Яшаш нима? Яшаяпман мен,  
Пичоғидан айрилган қиндай.

Сиз мен каби йўқламагансиз,  
О, йўқотган дамларни, ҳўнграб.  
Мен кимларнинг тутдим этагин,  
Мен қаёққа кетяпман, ё Раб?!

Сиз мен каби тигламагансиз  
Юрагини шафқатсизларча.  
Қулаяпти минг йиллик чинор,  
Сарғайяпти ям-яшил арча.

Сиз мен каби чўғламагансиз,  
Юрагимо лахча-лахча чўғ.  
Яшолмайсиз сиз менга ўхшаб,  
Сиз мен каби ўлганингиз йўқ.



...

Шундай ҳам юрагим кетмоқда тошиб,  
Шундай ҳам боряпман ютиб андуҳим.  
Шундай ҳам бағримми қонли шафақдир,  
Шундай ҳам йўлларда раҳматим раҳим.

Боққил, бу кўнгулми эмасдир мулким,  
Сендан не тилайин, эй дайри фано.  
Ҳамон йулларингда илҳақман буткул,  
Қайларда ўсасан, айт, гули раъно.

Мен — зангор сасларидан девона ошиқ,  
Қанчалар Мажнунман, шунчалар одми.  
Ўлик дунёларга ҳаёт бағишла,  
Сепсиз яшамоқнинг оти ҳаётми?

Сени қароғимда асрадим, олам,  
Яшадим дилимни кўзимдан сочиб.  
Кетмагил, мен сени ўзим атадим,  
Мен қайга бораман ўзимдан қочиб.



## ЙЎЛОВЧИ

Ёндиради дилларни,  
Оҳим кўпдир, кулим йўқ.  
Мен севаман гулларни,  
Боғим кўпдир, гулим йўқ.

Бирам дилбар, хуш иси,  
Гоҳо сароб, туш иси,  
Шаробдек эт нўш, иси,  
Чоғим кўпдир, куним йўқ.

Гул сочдими кулгичи,  
Нур сочдими кулгичи,  
Дил сочдими кулгичи,  
Доғим кўпдир, дилим йўқ.

Чинорлардан эртак қоқ,  
Дунё нима, этак қоқ,  
Қара, қара, йўлга боқ,  
Чоҳим кўпдир, ўлим йўқ.





## ТАЖОҲИЛУ ОРИФОНА

Рост эрур дил эртаги  
Бу гилам учоғим-да.  
Лолами лабингдаги,  
Қуёшми қучоғимда.

Яфроқлар оқиб борар,  
Туфроқлар оқиб борар,  
Титроқлар оқиб борар,  
Бу росту ушшоғимда.

Оҳ, оғриқ узун бўлди,  
Минг сирли афсун бўлди,  
Кимлардан изн бўлди,  
Ишқми, дил ўчоғимда?

Очилиб ётурсанми?  
Сочилиб ётурсанми?  
Соч илиб ётурсанми?  
Ҳар бўлак, ушоғимда.



## БУ ГУЛ

Очи́либ борар бу дил,  
Очи́либ борар баҳрим.  
Ўйларин жарангидан  
Тўлқинланади наҳрим.

Қаранг, муаттар иффор  
Со́чиб боради кўнгул.  
Қувончи гул бу гулнинг,  
Бу гулнинг қувончи гул.

Нетай, бу юрак ёмон,  
Қон бўлиб кутар интиқ.  
Қаттиқ қучгим келади,  
Ўпгим келади қаттиқ.

Йўқ, жим тургим келмайди,  
Қачон бўлар деб изни.  
Бу гулнинг исми баҳор,  
Баҳор бу гулнинг исми.

Дарахтларнинг қуввати  
Барглардамас, илдизда.  
Осмоннинг кўрки қуёш,  
Ҳам ойда, ҳам юлдузда.

Шамолларда япроқлар,  
Учиб боради тамом.  
Бу гул хазон билмайди,  
Билмайди бу гул хазон...



## ЭЙ, ОЙ

Ой, сенинг доғингни кеткизаман мен,  
Етти қат самодан ўткизаман мен,  
Энг ҳарир чоғларга еткизаман мен,  
Ой, сенинг доғингни кеткизаман мен.

Кўнглимга ўт қўйган зўр оҳлар билан,  
Энг нурли, энг тоза нигоҳлар билан,  
Кўзларимдан оққан булоқлар билан,  
Ой, сенинг доғингни кеткизаман мен.

Кафтимда турибди дунёйи дунча,  
Менинг дунёларга ҳушим йўқ унча,  
Атиргул тикони бағрим тилгунча,  
Ой, сенинг доғингни кеткизаман мен.

Хазонлар кузакнинг муаззам арзи,  
Бу ҳам оламнинг бир кўриниш тарзи,  
Фақат битта нарса юрагим фарзи,  
Ой, сенинг доғингни кеткизаман мен.



## НОМА

Қирларнинг ол юзи — лолалар қайтди,  
Гул деб фигон этдим, нолалар қайтди,  
Фалак кўз ёшлари — жолалар қайтди,  
Фақат сен қайтмадинг,  
Қачон қайтасан?

Ҳар баҳор анҳорлар тўлиб оқади,  
Кун нури жимирлаб, кулиб оқади,  
Гўёки дардимни билиб оқади,  
Фақат сен қайтмадинг,  
Қачон қайтасан?

Кўзим айвонида наргис мунтазир,  
Ҳар кузда япроқлар сочилиб тўзир,  
Сенингсиз файзи йўқ барчасин, узр,  
Фақат сен қайтмадинг,  
Қачон қайтасан?

Оҳ, чин хаёлларим боғлар бўлдилар,  
Минг йиллик ярамни боғлар бўлдилар,  
Дилим дил бўлмади, доғлар бўлдилар,  
Фақат сен қайтмадинг,  
Қачон қайтасан?

Қирққиз тепалар ҳам қолди хувуллаб,  
Бу не, кўргиликми ё дилга матлаб,  
Мен соғинч тарафман, муҳаббат тараф,  
Фақат сен қайтмадинг,  
Қачон қайтасан?



**БАЁТ**

Бу аёл фаришта, мужгонларида  
Шамс нурларини жимирлатар ҳур.  
Бу аёл шу қадар нозикки, аммо  
Қалбида барқ урган умиди жасур.

Бу аёл арзийди, ҳатто пойига  
Гўзал юлдузларни ҳовучлаб сочсанг.  
Бу аёл кўнглининг зиёларидан  
Тобора тупроққа дўниб борар санг.

Бу аёл меҳрининг ёғдуларидан  
Олам чаманлари гуркираётир.  
Бу аёл энг сўлим гулдир, энг нафис  
Гуллар ҳам кўркидан кўрк тилаётир.

Бу аёл, оҳ, ёмон оғрийди жоним,  
Мени қай гўрларга ирғитдинг, ҳаёт.  
Бу аёл, бу аёл энг оғир армон  
Ва бахт юрагимни қонатган баёт.





Мен кетсам, мен кетсам, ёмон кетаман,  
Эй, сен дилларимни ўртагувчи дард,  
Барча орзулардан кечаману шарт,  
Мен кетсам, мен кетсам, ёмон кетаман.

Бу гуллар дайрига саёҳат-сафар,  
Гоҳида мағлублик, гоҳида зафар,  
Чашмимда гуллаган мунис нилуфар,  
Мен кетсам, мен кетсам, ёмон кетаман.

Еллар чирпиратган япроқларга айт,  
Равонми, тошлими, сўқмоқларга айт,  
Жавобларга айтгин, сўроқларга айт,  
Мен кетсам, мен кетсам, ёмон кетаман.

Аммо дил ёнмоқда, недан ишорат?  
Ҳаммаси муҳаббат, ҳаммаси нафрат,  
Эй, хиёнат туғли дунёйи борат,  
Мен кетсам, мен кетсам, ёмон кетаман.

Қайдан келаяпти, бу кимнинг уни,  
Тамом, кун этаман зулмат, қайғуни,  
Сен қандай кетасан, билмайман буни,  
Мен кетсам, мен кетсам, ёмон кетаман.



## ГУЛРУҲИМ

Юрагимдан яралгансан, қизғалдоқ,  
Тилагимдан яралгансан, қизғалдоқ.  
Оламларни бир яшнатиб, ёндириб,  
Керагимдан яралгансан, қизғалдоқ.  
Жоним ўзинг, борим ўзинг, Гулруҳим!

Кўзинг тўла туйғуларинг севаман,  
Хатто ширин уйқуларинг севаман,  
Гулқаҳқаҳдек гуллар сочган дилимга,  
Кумуш-кумуш кулгуларинг севаман.  
Жоним ўзинг, борим ўзинг, Гулруҳим!

Тинглармиди дунё менинг зоримни,  
Расо этиб қўярмиди коримни,  
Эй, муҳаббат тахтидаги оққушим,  
Қорачиқдай асраб келдим оримни.  
Жоним ўзинг, борим ўзинг, Гулруҳим!

«Келин-келин» ўйнаб келин бўларсан,  
Ой нимадир, ойдан тўлин бўларсан.  
Кун кўргандай бўлар кўнглим ўшанда,  
Гулсан ўзинг, гулдан сўлим бўларсан.  
Жоним ўзинг, борим ўзинг, Гулруҳим!



## БИЛГИЛ

Жоним, бу йўлларга ишонма, ёлғон,  
«Борса келарлари» «Борса келмасдир».  
Кўнгилдир дунёда энг хавфли душман,  
Кўнгилдан бўлаги вале элмасдир.

Жоним, бу гулларга ишонма, ёлғон,  
Шундай ҳам боғларнинг ранглари синиқ.  
Дунёда энг лойқа дарёдир кўнгил,  
Вале, бир дарё йўқ кўнгилдай тиниқ.

Жоним, бу дилларга ишонма, ёлғон,  
Ҳавас ҳам қилмагин, бу диллар чўғдир.  
Дунёда энг кўпдир кўйингда куйган,  
Вале, сенга мендай бир ошиқ йўқдир.





## БАХТНИНГ ШАКЛИ

Сен мени тушунсанг, шундай тушунсанг,  
Йиғолсанг сочилган дилпораларни.

Шунда,

Мен-ла бирга қўшилиб ичсанг

Май қилиб бокира хотираларни.

Сен мени тушунсанг, шундай тушунсанг,  
Илғасанг кўнглимнинг нолаларини.

Шунда,

Синдирсам-у кўкрак қафасим,

Кўрсатсам юрагим яраларини.

Сен мени тушунсанг, шундай тушунсанг,  
Уқолсанг дардимни қароқларимдан.

Шунда,

Адирларга қонлар сачраса

Юрак деб аталган байроқларимдан.

Сен мени тушунсанг, шундай тушунсанг,  
Севолсанг зиёда кутганимдан ҳам.

Шунда,

Арзигайдир қувонганимча,

Менинг ҳам бахтим бор, бахтлиман десам.



## ВИДО

Бир қиз йиғлаяпти, билмайди ҳеч ким,  
Кўнглими дунёдан совий бошлайди,  
Сўнг аччиқ устида кўрпага қўшиб,  
Менинг юрагимни қавий бошлайди.

Бир қиз йиғлаяпти, билмайди ҳеч ким,  
Дилидан ненидир қува бошлайди.  
Сўнг аччиқ устида кўйлакка қўшиб,  
Фижимлаб кўнглимни юва бошлайди.

Бир қиз йиғлаяпти, билмайди ҳеч ким,  
Қалбини андуҳлар ўя бошлайди.  
Сўнг аччиқ устида кўйлакка қўшиб,  
Жонимни дорларга ёйа бошлайди.

Бир қиз йиғлаяпти, эшитар ҳамма,  
Кўнглимда ҳижроннинг уйи бўляпти.  
Сўнг аччиқ устида кўрпа ёпиниб,  
Йиғладим... Шу қизнинг тўйи бўляпти.

Бир қиз йиғлаяпти...



**ҚАДР**

Гулим, гул юзингиз қуёшли, ойли,  
Гулим, кўнгулчангиз бунчалар ройли.  
Қалбимда кўкларга айлаган парвоз  
Ўйим бор, ўйларим сиздан чиройли.

Қаранг, бу боғларга кузлар келдилар,  
Юзимга юз босган юзлар келдилар,  
Кўнглумга шундайин сўзлар келдилар,  
Ўйим бор, ўйларим сиздан чиройли.

Қаҳратон қаҳри не, музлар эрийди,  
Дилларда тош қотган тузлар эрийди,  
Розларим гул этган рўзлар эрийди,  
Ўйим бор, ўйларим сиздан чиройли.

Юлдузлар қоронғу қучоқларда ул,  
Шунга ҳам шунчами, боғлар тўла гул,  
Кўнглум, сен ҳам қувна, сен ҳам битта кул,  
Ўйим бор, ўйларим сиздан чиройли.



## ҚУРБОН

Дунё дилга илонларинг ташланмасин,  
Етар шу дард, бошқа ғамлар бошланмасин,  
Жоним, гулим, кўзларинг ҳеч ёшланмасин,  
Майли менга, бу дунёга неки бўлар.

Оҳ, қўлимдан ортга тортар йўллар бу кун,  
Қайғуларга бошлаб кетар йўллар бу кун,  
Борса келмас, борса хатар йўллар бу кун,  
Бу ҳолатлар токайгача, токи бўлар.

Баҳодирман, ботирлигим ёлғон эмас,  
Ҳолим забун, қодирлигим ёлғон эмас,  
Эй, чархи дун нодирлигим ёлғон эмас,  
Ёлғонларинг қачон хазонрезги бўлар.

Кўзларга боқ, тилагимни майдалаб соч,  
Суягимни, сўнгагимни майдалаб соч,  
Кўнгилларга юрагимни майдалаб соч,  
Шунда олам ишққа тўлар, севги бўлар.



**МАЛИКАМ**

Кўзи қора, маликам,  
Гули сара, маликам.  
Битта менинг юрагим  
Пора-пора, маликам.

Дунё эрмак, маликам,  
Гоҳо эртак, маликам.  
Битта менинг юрагим  
Ёммон юрак, маликам.

Юзлари оқ, маликам,  
Сўзлари оқ, маликам.  
Битта менинг юрагим  
Бўлмайди соғ, маликам.

Савол оғир, маликам,  
Завол оғир, маликам.  
Битта менинг юрагим  
Беҳол, оғир, маликам.

Жондай сингил, маликам,  
Кўзинг кўнгил, маликам.  
Битта менинг юрагим  
Йиғлар, сен кул, маликам.



## ТАЛАБАЛАР ЁТОҚХОНАСИ

Ётоқ — қадр,  
Ҳа, ётоқ — меҳр,  
Ошхонада ўқилган шеърлар,  
Бунда фақат иккимиз билган,  
Ошхонада сочилмас сирлар.  
Мен шу ерда англадим қайта,  
Дилни сочмай яшаш керагин,  
Сочларингни йиғиб ол, жоним,  
Бошгинангга рўмол ўрагин.  
Мен шу ерда англадим такрор,  
Юдузларнинг тили ўзгача.  
Шу лаҳзада битта оламмиз,  
Етолмайди улар бизгача.  
Қўй, уларга берма эътибор,  
Ғийбатлардан ўтганмиз, гулим.  
Осмонларни ортда қолдириб,  
Тупроқларга етганмиз, гулим.  
Ётоқ — меҳр,  
Ҳа, ётоқ — қадр.



## АЙЛАНСАМ-О

Оҳ, беғубор дунёлар қайда,  
Мингта армон кўксимни тилар.  
Умрида бир баҳорни кўрган  
Бойчечакка айлангим келар.

Эҳ, қандайин бола эдим-а,  
Бош шу бўлса, сўнггим не бўлар.  
Сингим, тўлқин сочларингда гул  
Жамалакка айлангим келар.

Бу дунёга нелар тўлмади,  
Ҳеч тўлмаган дил қачон тўлар.  
Бутун умри бир кундузга тенг,  
Капалакка айлангим келар.

Сен ўзингни асрай билмайсан,  
Юрак сенга ким ором тилар.  
Қишлоғимга кетиб бутунлай,  
Булбуллакка айлангим келар.



## **АЙВОНИМДА ҚАЛДИРҒОЧЛАРГА...**

Булбуллакда қолган ай дунё,  
Умр шундай бевафосанми,  
Айвонимда қалдирғочларга,  
Тўйиб-тўйиб йиғлаб берсамми?

Қувончларим қайда, кўзимдан  
Сизиб-сизиб кетди юрагим.  
Тузай-тузай деганимда, дод,  
Тўзиб-тўзиб кетди юрагим.

Нима қилай, онажон, мен ҳам,  
Жавоб йўқдир саволларимга.  
Ота, ўша иккимиз қилган,  
Юз босаман деволларимга.

Ўзинг айтиб бер менга дунё,  
Йўқотганим, топганларимни?  
Ҳеч кимсага айтмайман дилдор,  
Қучганларим, ўлганларимни.

Қўй ўксима, йиғлама, кўнгил,  
Суйсанг ўшал оламини суйгил.  
Бориб қолсанг, ҳув кўчалардан  
Файратни ҳам бир сўраб қўйгил.





**ОРЗУ**

Қўлларимни чўзсам, ой ҳам меники,  
Мени қарғиш урмайди, урмайди яшин.  
Мен шундай ҳолимда ростини айтсам,  
Юлдузлар қўйнида яшасам яхши.

Қўлларимни чўзсам, гул ҳам меники,  
Нимага арзирди дунёнинг иши.  
Мен шундай ҳолимда ростини айтсам,  
Туфроқни кучоқлаб яшасам яхши.

Қўлларимни чўзсам, чўзсам меники,  
Кўклами меники, меники қиши.  
Мен шундай ҳолимда ростини айтсам,  
Ўзингда ўзингдай яшасам яхши.



## АЗИЗАМ

Кетаман, дедингми,  
Ушлаб турганим йўқ ахир қўлингдан.  
Бироқ истамайман кетмоқларингни.  
Дилдираб кетяпман дилкўкка томон,  
Итлар ғажиса ҳам оёқларимни.

Кетаман, дедингми,  
Ушлаб турганим йўқ ахир қўлингдан.  
Бир чақа чиқмасми ишқнинг қиймати,  
Қумрилар чуғурлаб айтаётган у,  
Бокира муҳаббат кўнглим зийнати.

Кетаман дедингми,  
Ушлаб турганим йўқ ахир қўлингдан.  
Менинг борлиқларим даҳри Куброда.  
Азизам, шунчаки келганим йўқдир,  
Тошни зритгани келдим дунёга.



## АВАЙЛАШ

Қорайиб кетди кўзим,  
Кўзларинг оғримасин.  
Белчалари букилиб —  
Изларинг оғримасин.

Саргардон қайда сўзим,  
Сўзларинг оғримасин.  
Йилларга ишонмайман,  
Юзларинг оғримасин.

Бошингга ҳумой қўнсин,  
Бошларинг оғримасин.  
Киприқдан чирт узилиб,  
Ёшларинг оғримасин.

Тиллақош бўлсин қуёш,  
Қошларинг оғримасин.  
Булутлар рўмол бўлсин,  
Сочларинг оғримасин.

Ер мушглаб қарға мени,  
Қўлларинг оғримасин.  
Битталаб айтмай энди,  
Ҳеч еринг оғримасин.



## ЮРАГИМ КАТТА

Осмон дейсан, нима у,  
Нигоҳлари қуёшим.  
Кўзларимда порлаган,  
Битта бўлагим катта.

Қара дейсан, чаманзор,  
Кўзим қувнамади-ку,  
Гулзорлардан эшитгин,  
Шу гул тилагим катта.

Тўсди ҳатто қуёшни,  
Бургутларми, шоҳ қушдир,  
Улардан менинг митти  
Бир капалагим катта.

О, бу олам ... гапирма!  
Сен борсан-ку, қалбимда!  
Кичкинаман мен ўзим,  
Аммо юрагим катта!



## **БЕГОНАЛИК**

Бодомлари таниш бу йўлнинг,  
Одамлари таниш бу йўлнинг.  
Бир гулини севар эдим мен,  
Энди менга ёт бўлган гулни.

Бахт тилаган ҳумоларим-ай,  
Дилда ёзиқ яғмоларим-ай,  
Оҳ, қандайин унутай, ахир,  
Энди менга ёт бўлган гулни.

Отолмайман, тошларим йўқдир,  
Тутаб бўлди, ёшларим йўқдир,  
Қумсайверар юрагим санчиб,  
Энди менга ёт бўлган гулни.

Сен кун кўргин тунлар бошимда,  
Видо тўла унлар бошимда,  
Ўйи билан яшарман нетай,  
Энди менга ёт бўлган гулни.



## БЎЗЛАШ

Бу менинг умримдир чексиз хатолар,  
Бўғзимни тизлаган унсиз садолар,  
Гадоман, ҳолимга йиғлар гадолар,  
Худонинг зорини қилдим, кечирма.

Нетайин, куздан ҳам баҳор излайман,  
Мен шундай, тундан ҳам наҳор излайман,  
Меҳробда зор сиқтаб бедор излайман,  
Худонинг зорини қилдим, кечирма.

Боқдим осмонларга сўлим, чиройли,  
Бўйин билмаганим гулим чиройли,  
Ёрсиз яшамоқдан ўлим чиройли,  
Худонинг зорини қилдим, кечирма.

Сесканиб кетибман қутлуғ сезимдан,  
Кўнглимга келган у нурли кезимдан,  
Айрилиб-айрилиб кетдим ўзимдан,  
Худонинг зорини қилдим, кечирма.



**БАҒИШЛОВ**

Дунёнинг илкида ўйинчоқ гуллар,  
Умр — трамвайнинг бузилган изи.  
Аслида, энг гўзал ҳаёт шукуҳи  
Чақил чашмасининг маъсума лафзи.

Қўй энди, сил қилма, ахир бу гуллар —  
Рўмолин юрак-ла бўяб бердим-ку.  
Неча кун бўларди дунёнинг умри!?  
Бешта ҳам сайрашга улгурмас какку.

Дунёнинг илкида ўйинчоқ гуллар,  
Йўқ, йўқ! Мен адашдим, ҳаммаси рўё.  
Менми кичкинаман, сенми майдасан,  
Кичкина илкимда ўйинчоқ дунё.

Олинглар, юрагим, юрагим мана,  
Олам чирой очди, назар сол, назар.  
Мен ҳам сизникиман, юраккинамни  
Эъзозлаб бошида кўтарган гуллар.



## ТАНИШУВ

Исмлари нимади, шабнам,  
Меҳр аркон аркчаларида.  
Муҳаббатнинг тотли навоси,  
Шивирлаган баргчаларида.

Ай, рўмоли атиргул санам,  
Шода-шода туйғулар ранги.  
Сенда жамдир гуллар ибоси,  
Кўзларингда нурлар жаранги,

Исмлари нимади, шабнам...





## ЭНГ КЎРКАМ ДУНЁ

Кўксим тўла лолазор менинг,  
Ёлгон дунё, эҳ, бир кам дунё,  
Фамистондир юрагим бугун,  
Хотиралар энг кўркам дунё.

Дарё бўлиб кўз ёшлар оқди,  
Кўнгилдайин қуёшлар оқди.  
Оҳ, йигирма минг ёшлар оқди,  
Хотиралар энг кўркам дунё.

Қизғалдоғим кўнғироғида,  
Капалақдек ё япроғида.  
Қўнсам, унсам висол боғида,  
Хотиралар энг кўркам дунё.

Бир чақнади қалбимда яшин,  
Тушунмайман бу дунё ишин.  
Қайда қолдинг, эй яқин кишим?  
Хотиралар энг кўркам дунё.



## ҲОЛ

*Бахтга навбат турганларнинг охириман.  
Сирожиддин Саййид.*

Менми, шундай не дард келса ютган одам,  
Ҳу қуёшнинг нурли қўлин тутган одам,  
Эй, дунёдан саодатлар кутган одам,  
Бахтга навбат турганларнинг охириман.

Баланд-баланд тоғ бошида қорлари бор,  
Бул тоғларнинг кўкка айтар зорлари бор,  
Сорларининг сор қалбида орлари бор,  
Бахтга навбат турганларнинг охириман.

Кетмоқ яхши, дил қумсаган олисларга,  
Гулдан сулув, нурдан харир ол ҳисларга,  
Айтиб қўяй бинафшаю ялпизларга,  
Бахтга навбат турганларнинг охириман.

Пойларингиз ўпадиган япроқ бўлай,  
Япроқ эмас, япроқ эмас, тупроқ бўлай,  
Қошингизда мангуликдан кўпроқ бўлай,  
Бахтга навбат турганларнинг охириман.



## **САЛОМ БИЛАН ХАЙР ОРАСИ**

Салом, яхшимисиз,  
Узр, хўп хайр.  
Шул икки ўртада қанча қадар бор,  
Дунё гарданида қанча ғам бўлса,  
Бу тортиқ оғриқлар кўнгил қадар бор.  
Қандай яшаяпсиз ахир ўлмасдан,  
Юрак тўлиб кетди боғлари мунгзор,  
Оё, кўнглимдаги нилуфарларим,  
Бу дунё бозордир, бу дунё озор.  
Севгилим, сеvgилим айланай сендан,  
Кўзингдан узилиб тушганми офтоб.  
Минг йилким булбуллар куйга айланган,  
Севги бирам гўзал, сеvgи бу — азоб.  
Одамлар, одамлар, сизни севаман,  
Не бўлса яшадим, мана кўнгил, жон.  
Бунда ҳамма нарса яшашдек оғир,  
Бунда ҳамма нарса яшашдек осон.  
Сен буткул руҳимда ўсасан олам,  
Не бердим юрагим яралиғидан,  
Ё раб, шунча нарса ўтиб бормоқда,  
Салом билан хайр оралиғидан.



\*\*\*

Бир кун бир қуёшни тилайди осмон,  
Ойу юлдузларни элайди осмон,  
Ажиб жилоларга белади осмон,  
Кўнглимни, кўнглимни, кўнглимни.

Бир кун қошлардайин таранглар осмон,  
Зангор оҳанглардан жаранглар осмон,  
Бокира гўдақдек аланглар осмон,  
Кўнглимни, кўнглимни, кўнглимни.

Сочилган сочингни тарамлар осмон,  
Мен учун ғам этиб ғарамлар осмон,  
Ва дилбар лутф айлаб карамлар осмон,  
Кўнглимни, кўнглимни, кўнглимни.

Шунда ҳам ўйлайман, ўйларим осмон,  
Барибир сўйлайман, сўйларим осмон,  
Оламни тўддириб қуйларим осмон,  
Кўнглимни, кўнглимни, кўнглимни.



**ТАЪРИФ**

Кимда сенинг хаёлларинг,  
Кўзингдаги фикрларинг?  
Қирқ туянинг белларини,  
Синдиради макрларинг.

Кипригингни дилга санчиб,  
Қошинг билан қиймаладинг.  
Оҳ, бунчалар ёндинг юрак,  
Ўйларига ўймаладинг.

Бир шапалоқ урай дейман,  
Шу кўнгилча ўзимники.  
Неси гўзал, суйма десам,  
Сўзимга ҳам кирмайди-ку.

Билмам, кимда хаёлларинг,  
Кўзингдаги фикрларинг?  
Қирқ туянинг белларини  
Синдиради макрларинг.



## ОНАМГА МАКТУБ

Беш йил бўлди. Кичкина қизлар,  
Очилиб гул, санам бўлгандир.  
Менинг учун олинган тойчоқ,  
Бойчибордек саман бўлгандир.

Боғимизнинг ўртасидаги,  
Анор шохин букиб пишдимиз?  
Ёмғир ёғиб пахса деволлар  
Сувоғини ювиб тушдимиз?

Баҳорларда томларнинг ҳатто,  
Югургандек юзига олик,  
Она, тинчлик керак дунёга,  
Керак эмас кўнглимга тинчлик.

Тилла каби товланиб пишган,  
Адирларга кўрк бўлган қовун.  
Бир тилимни дилим қўмсади,  
Майли тилим ёрилиб кетсин.

Тентаклигим тутар баъзида,  
Боқиб дилнинг кошонасидан.  
Сингилчамни соғиндим жуда,  
Ўпгим келди пешонасидан.

Йўқ, ишонманг, мен алдамчиман,  
Меҳрим қанча билмайман шеърга.  
Анов қизи ҳамсоямизнинг,  
Балки тегиб кетгандир эрга.

Баҳорларда анжирпоянинг,  
Югургандек юзига олик.  
Она, тинчлик керак дунёга,  
Керак эмас кўнглимга тинчлик.

**КУЗ**

Сен, ахир осмонмас, ахир тупроқсан,  
Дунё қайғусидан ғами кўпроқсан,  
Кўк деяр кўнгилга мангу сабоқсан,  
Менга юрагимдай қадрдон кузак.

Дилдан оқаётган ирмоқ иноят,  
Баҳорий айшларни сурмоқ иноят,  
Сарғайиб қолгунча юрмоқ иноят,  
Менга юрагимдай қадрдон кузак.



\*\*\*

Қаерларда учратган эдим?  
Ширингина жилмайган дийда.  
Ишонмайман бошқа қувончга,  
Қолган барча кулгулар майда.

Эй дил, кимдир дунё деганча  
Йиғлар кунга, йиғлайди ойга.  
Битта гул бор ва битта армон,  
Қолган барча қайғулар майда.

Мен муҳаббат юрагингдаги,  
Изламагин муҳаббат қайда.  
Шу битта ҳис бақодан боқий,  
Қолган барча туйғулар майда.





## СИНГЛИМГА

Ойнинг чеҳрасидан ўпаман аста,  
Менинг дунёларим ям-яшил ҳислар.  
Севса, битта синглим севади мени,  
Фақат шу сингилчам эсласа эслар.

Сочаман кўзимдан даста-даста нур,  
Қалбимдан таралар энг гўзал ислар.  
Кўрди-ю, бу каби ҳотамтойликдан,  
Эсанкираб эсин йитирди эслар.

Нечун қўлларини мушт қилган дунё,  
Кимдир тортар мени, яна ким тезлар.  
Қайданам билардинг, етим кўнглимни,  
Доғлар босиб кетган яралар, излар.

Ой менинг юзимдан ўпгиси келар,  
Дил севар дунёлар — хазонрез кузлар.  
Синглимнинг бир тола сочига тенгмас,  
Ай, сиз дунёларни тўлдирган қизлар.

Кунни қучоғимга тортаман секин,  
Бир ажиб товланар турфаранг туслар.  
Севса, битта синглим севади жондан,  
Фақат шу сингилчам эсласа эслар.



## ТОМИРИМДА ОҚАР ИШҚ

Қон ўрнида томримда,  
Ишқ оқади авжида.  
Сўйлагим келар сени,  
Куйлагим келар жуда.

Уфқдир менинг ёшим,  
Ёшимни қучиб қўйдим.  
Насиба шу балолар,  
Бошимни қучиб қўйдим.

Қувончларинг инжадир,  
Қайғуларинг ҳам инжа.  
Ахир, сени ҳеч кимса  
Севолмайди-да менча.

Ўзим дилман аслида,  
Эриб борар қишларим.  
Ўнгим эриб бормоқда,  
Эриб борар тушларим.

Чунки қонмас томримда,  
Ишқ айланар авжида.  
Сўйлагим келар сени,  
Куйлагим келар жуда.



## **МЕН СЕНИ ЎЗИМДАН СЎРАЙМАН**

Баёт — бу юрагим тиклаган қаср,  
Ҳаёт — юрагимга элтадиган йўл.  
Тутаб боради йил, тугайди аср,  
Мен сени ўзимдан сўрайман, эй гул.

Қанотли отлардай учади булут,  
Эй, оппоқ туйғулар кўнглимда туғил.  
Дунё нозларини айлаб-да унут,  
Мен сени ўзимдан сўрайман, эй гул.

Қароғда гуркираб борар муҳаббат,  
Англагин зикрга тушмишдир буткул.  
Айланай, қалбимга инмоқда қувват,  
Мен сени ўзимдан сўрайман, эй гул.

Жасур умидларнинг бағрида бир кун,  
Тўлиб боради дил, тўлади кўнгул.  
Тобора ечилиб боради тугун,  
Мен сени ўзимдан сўрайман, эй гул.

Сен кимдан сўрайсан мени билмайман,  
Сен ҳам сўрайсанми, энтикади дил.  
Эй, гул мен ўзимдан сени сўрайман.  
Мен сени ўзимдан сўрайман, эй гул.



## ОНАМГА

Она, яхши бола эдим, бир вақтлар,  
Бугун жондан ўтиб кетди ноз-гиналар.  
Фариштаман, дея ҳатто тушимда ҳам,  
Она, мени тинч қўймайди ажиналар.

Эслайсизми, мен гулларни севар эдим,  
Бинафшаю ялпизларда жоним манним.  
Юзларимни шабнамларда ювар эдим,  
Танийсизми, Ғайрат деган бола қани?!.

Юрагимни Тош шаҳарда эзар тошлар,  
О, отилган хандалардан юрагим қон.  
Бир вақтлар, она, ҳамма яхши эди,  
Она, бугун мен ҳам ёмон, ҳамма ёмон.

Бу ғамларми, ғамлангандир менинг учун,  
Мен билмайман, хуррамликлар қайда тўкин.  
Ялинаман, эшлай олсанг агар, очун,  
Менга ўша Ғайратжонни топиб бергин.



## КУЗ ХАЁЛИ

Меҳринг метин сенинг, қароғинг тошдир,  
Дилимга отган ғам, яроғинг тошдир,  
Хазонларинг тошдир, тупроғинг тошдир,  
Балоларга қолган кузакман, ахир.

Бир сулув чароғон сасни соғиндим,  
Май бўйи анқиган хасни соғиндим,  
Зерикдим баридан, ростни соғиндим,  
Мен шундай девона, тентакман, ахир.

Бинафша, сиринг кўп қўнғироғингда,  
Жаранглаб тўкилар дур титроғингдан,  
Дунё, қалб ёришмас жинчироғингдан,  
Тилиниб қонаган юракман, ахир.

Кузни англамаган даҳридан бездим,  
Чоғир қуй чоғирдан, наҳридан бездим,  
Етар бас, азобзор шаҳридан бездим,  
Ахир мен кичкина гўдакман, ахир.

Асрагин, гўдаклик чоғимни асра,  
Қувончимни асра, оҳимни асра,  
Ўзингсан манзилим, роҳимни асра,  
Кимгадир жудаям керакман, ахир.



## ОВУТИШ

Ўн гулим етарми, бир гулим етар,  
Ғар куни бошимда минг ўлим етар.  
Ўксинма, ўртанма, қўй, дилим етар,  
Елкамга осилиб йиғлама, эй моҳ.

Қўл силки, дунёга жудолик иста,  
Фақат бокиралик, фидолик иста,  
Кўнгилжон, худодан худолик иста,  
Елкамга осилиб йиғлама, эй моҳ.

Ютдим, ютаяпман, ютганим армон,  
Минг йилким интиқман, кутганим армон,  
Ўйлари этагин тутганим армон,  
Елкамга осилиб йиғлама, эй моҳ.

Сувратим сенгадир, сийратим сенга,  
Нафратим сенгадир, ғайратим сенга,  
Ғайрат эмасларим, ғайратим сенга,  
Елкамга осилиб йиғлама, эй моҳ.



**РАЪНО**

Қуёшлар кул нурдан ҳам,  
Қирқ кокилли ҳурдан ҳам,  
Юзи анор гулдан ҳам,  
Раъно деган қиз яхши.

Кетгим келар саҳардан,  
Ғамлар тўла шаҳардан,  
Гуллар фасли баҳордан,  
Раъно келган куз яхши.

Умрим узун карвондир,  
Орзум сўнгги армондир,  
Ҳамма-ҳамма ёмондир,  
Фақат иккимиз яхши.



## МАРДУМ

Менинг туйғуларим тоза,  
Ишонинг!!!  
Самога сапчиди хаёл — дулдуллар.  
Менми, маст бўлдим-эй,  
Девона бўлдим,  
Мушканбар сочади мукамбар гуллар.

Эй!  
Ишқни қўмсаган кўнгил жоним-эй,  
Дунё хаёлидан ўйи саришта.  
Заминни қучоқлаб кўкка кўтарган —  
Кўзингда яшагим келди,  
Ф а р и ш т а!!!





**ОПА**

Дунёлари ўтмай турсин, ўтин, опа,  
Кўнгилсизлар кўнгли нима, ўтин, опа.  
Сен қуёшга айлантир ишқ ўтин, опа,  
Дунёлари ўтмай турсин, ўтин, опа.

Севгисиз қалб туйғулари тул, опажон,  
Сўзларини йўқотди-я, тил, опажон.  
Қара, руҳга бошдан-оёқ дил, опажон,  
Севгисиз қалб туйғулари тул, опажон.

Дилда бир куй гўёки дилхирож, опа,  
Мен жонимдан берайинми хирож, опа.  
Боққин, йўллар мусаффо ҳам сирож, опа,  
Дилда бир куй гўёки дилхирож, опа.

Бунда фақат тоқат содиқ дўст, опажон,  
Дунё айтгин, ким бекаму кўст, опажон.  
Ишонаман, йиғлаганинг рост, опажон,  
Бунда фақат тоқат содиқ дўст, опажон.

Дунёлари ўтмай турсин, ўтин, опа...



## ЗАНГОРИ БАЁТ

Агар мен кўксимни, кўксимни очсам,  
Кўкларга дардларим ўт бўлиб ўрлар.  
Севиб бўлмайди-ку, дилни йўқотиб,  
Севдириб бўлмайди кўнгилни зўрлаб.

Недандир уялиб юзи қизарган  
Мунис бир аёлга ўхшайди қирлар.  
Яшашга чорлайди англаганларим,  
Яшашга чорлайди тумонат сирлар.

Кўнглим қалқиб қўй-у, чашмимда балқи,  
Ҳарир соғинчларим ҳаққи-чун тўлғон.  
Бу ёшлар кўзимнинг оқ каптарлари,  
Бу ёшлар кўзимдан сочилган пайғом.

Бу шундай пайғомки, барқи ҳаяжон,  
Бу шундай пайғомки, ялпизий ҳаёт.  
Жоним, вужудим ҳам баёт аслида,  
Ҳатто руҳимгача зангори баёт.



## ФАҚАТ СЕН

Шабнамдан покиза қайғуга ёрсан,  
Ҳам шундай мусаффо кулгуга ёрсан,  
Нурлардан нурлироқ туйғуга ёрсан,  
Фақат сен, фақат сен, фақат сен борсан.

Гуллар сўлиб қолар, баҳор ўткинчи,  
Ахир, мен нетайин наҳор ўткинчи,  
Нима у, тўкилмас оҳор ўткинчи,  
Фақат сен, фақат сен, фақат сен борсан.

Осмон оқмоқда-ку, оҳларми, ёрсан,  
Борлиғим борингга боғларми, ёрсан,  
Қалбимни қуёшга чоғларми, ёрсан,  
Фақат сен, фақат сен, фақат сен борсан.

Ишқ дил ўчоғида қайнаган қумғон,  
Кўнгилки, иймондан мустаҳкам қўрғон,  
Тамом, ўлимнинг ҳам борлиги ёлғон,  
Фақат сен, фақат сен, фақат сен борсан.



## АБАДИЯТ

Сен тилларимни суғуриб олиб,  
Бошимни ҳам олиб ташлайсан.  
Қўлларимни кесгандан кейин,  
Синдириб ташлайсан оёқларимни.  
Барибир кўнглинг тўлмайди,  
Тилкалайсан юрагимни ҳам.  
Ўшанда лол қоласан —  
Мен оёқсиз чопаман сенга,  
Қўлларсиз ҳам қучавераман,  
Тилсиз тиловатлар қиларман  
Исмингни.



## ОҲ УРДИМ

Мен кимга шайдоман, мен кимга шайдо,  
Йўлимда ғуссанинг гуллари пайдо,  
Ассалом алайкум, келдим дилимга,  
Дилимда не бордир видодан бўлак.

Бунча сарғаймасанг, эй, хазон фасли,  
Елларинг ейди дил, эй, тўзон фасли,  
Йўқ, асли баҳорсан, баҳор — жон фасли,  
Мен кимман, кўйингда адодан бўлак.

Ёндим, кўзларимдан юлдузлар боқар,  
Боқсам, юзларимдан кундузлар боқар,  
Нечун ғамли-ғамли ҳур қизлар боқар,  
Менинг нимам бордир савдодан бўлак.

Чокидан сўкилиб кетди осмон ҳам,  
Оҳ урдим, тўкилиб кетди осмон ҳам,  
Фақат мурувват қил, шафқат қил, эгам,  
Ҳеч не қилолмадим хатодан бўлак.



## МАНИМ

Қалбим қақнуслари нола айласа,  
Кўзим гирёнлари жола айласа,  
Юрагим армонни бола айласа,  
Айролиғ бўларми  
Сабоғим маним.

Қадирғоч кўнглимга ишқни экажак,  
Сенинг осмонларинг юлдуз тўкажак,  
Оҳу кўзларингга кўзим чўкажак,  
Бесамағ изғимас  
Нигоҳим маним.

Қўлинг қўлимга тегади, жоним,  
Тилим дилингда тегади, жоним,  
Дилим дилингда тегади, жоним,  
Ахир, севмоқ эрур  
Гуноҳим маним.



**ЛАҲЗА**

Ох, бунчалар гўзал бу суқун,  
Осмон жимдир, замин ҳам жимдир.  
Мен кимнидир эсладим шу пайт,  
Кимдир мени унутди, кимдир.

Шовқин-сурон, бақир-чақирлар,  
Гулни синдир, кўнгулни синдир.  
Мен йўқотдим кимнидир шу чоғ,  
Кимдир мени топди, ҳа, Кимдир.



**ЖУРЪАТ**

Тарошлаб ташла энди,  
Қароғим ёшларини,  
Кипригимга осилган  
Кўзимнинг тошларини.

Хазонни англамаган ,  
Йўқ, кўнгил ҳеч ярамас.  
Дунёга дуомидир,  
Қарғишга ҳам ярамас.

Одамлик нима ўзи,  
Касларга айтсанг-чи, дил.  
Ўзини худо билган,  
Хасларга айтсанг-чи, дил.

Покиза оқ ҳурмати,  
Қорилиб кетар дунё.  
Айтаман ҳали бир сўз,  
Ёрилиб кетар дунё.

Ёндириб, ёниб гул-гул,  
Бир гулга кетадирмиз,  
Хумонинг қанотида,  
Кўнгилга кетадирмиз.





## **ЧОРЛОВ**

Жонгинам, изимни эркалаб суйгин,  
Гул кирган кўзимни эркалаб суйгин.  
Мен ҳам бандасиман Қодир Эгамнинг,  
Ғанимат ўзимни эркалаб суйгин.

Менинг армонимга менгзар алам йўқ,  
Соғинган дунёмга тенг бир олам йўқ,  
Хоҳла минг йил изла, хоҳла милён йил,  
Ғайрат Мажид деган бошқа одам йўқ.



## ЛОЛА

Кетаяпман, кўраяпсизми,  
Чидамади охири сабрим.  
Зиёларнинг устида бунёд,  
Менинг тортган ҳар оҳим, жабрим.

Ўпирилган Асқар тоғларда,  
Лола армон, қизғалдоқ армон.  
О, бесамар юрган қушчалар,  
Мана, жоним сизларга қурбон.

Яна қандай жон керак сизга,  
Бу қандай гап, беҳуда нола.  
Сачраб кетди юрагимдан қон,  
Асқартоғда очилди лола.



## **АЖИБ ҲОЛАТ**

Майсалар шивирлар шудринг ёпиниб,  
Қуёш шабнамлардан бўйлай бошлайди.  
Шу тобда дунёни сурганча четга,  
Бир гўзал кимнидир ўйлай бошлайди.

Бул санам бир дунё асрорнинг ўзи,  
Ниятлари нима, ўйи қаёқда?  
Сездим, унинг дарди дардга юкланса,  
Туролмай қоларди ҳатто оёқда.

Бу қандай тақдирки, тахир шунчалик,  
Сиралар кўнглимни тия олмайман.  
Ёмон алам қилар, алам қилади,  
Шу қизга бир сўз ҳам дея олмайман.



## ЭҲТИМОЛ

Эҳтимол, қандайдир қайғу юкидан  
Эгилиб қолгандир гулнинг шохлари.  
Эҳтимол, бу ҳазин мусиқа эмас,  
Бечора булбулнинг кўнгил оҳлари.

Эҳтимол, дарахт ҳам интизор, илҳақ,  
Сарғайиб бормишдир яшил қўллари.  
Эҳтимол, осмонда ёнган қуёшмас,  
Ул шайдо қалбларнинг ўтли диллари.

Эҳтимол, бу тоғлар ишқсизга қарши,  
Заминнинг ҳовучлаб олган тошлари.  
Эҳтимол, сув эмас сойларда оққан,  
Ёрнинг йирлаб-йирлаб тўккан ёшлари.

Эҳтимол, мен сенга етмасман дилбар,  
Васлинг деб қоврилиб қолаверар жон.  
Эҳтимол, марҳамат айларсан, шунда,  
Сен ва мен битта жон бўлармиз, тамом.



## **СЕНИКИМАН**

Толчўп бўлиб армон дилни химчалади,  
Юрак қоним тирноғингга томчилади,  
Нигоҳларинг куйини айт, ким чалади,  
Кўзим — сўзим — ўзим, мана сеникиман.

Кўз ёшимсан, кипригимга осиласан,  
Гулсанамсан, Нилуфарсан, Асиласан,  
Ҳамма-ҳамма, ҳаммасидан асил-а сан,  
Кўзим — сўзим — ўзим, мана сеникиман.

Қара, дунё қўлларими, тошли гулим,  
Балоларга қолган кўнгул дошли гулим,  
Орзуларга юрагим отдошли гулим,  
Кўзим — сўзим — ўзим, мана сеникиман.

Толчўп бўлиб армон дилни химчалади,  
Юрак қоним тирноғингга томчилади,  
Нигоҳларинг куйини айт, ким чалади,  
Кўзим — сўзим — ўзим, мана сеникиман.



## ТААЖЖУБ

Мен минг марта ўлдим-ку, ахир,  
Мен минг марта тирилдим такрор.  
Бир лаҳзанинг ўзида, тақдир,  
Ҳам яшашга, ўлимга иқрор.

Майдек ичди гуллар юракни,  
Ана, шабнам – ёшларим, армон.  
Қон йиғлатиб қўйдим фалакни,  
Дилга отган тошларим алвон.

Дунё қандай гуллар дарахтдир,  
Бири қора, бириси оппоқ.  
Наҳот, шунинг ҳаммаси бахтдир,  
Наҳот, бари бахтсизлик мутлоқ.



## ҲАДЯ

Не бўпти даҳри очун,  
Ошиқдан олар ўчин.  
Қуёшга боқмоқ учун  
Кўзимни аямайман.

Азаддан шундай жаҳон,  
Кимдир нон, ким сўрар жон.  
Бўлгали сенга қурбон,  
Ўзимни аямайман.

Менга ғамларинг тортиқ,  
Бахт борми бундан ортиқ,  
Соғиниб, кутиб содиқ,  
Рўзимни аямайман.

Сен танҳо, сен энг улуғ,  
Исмларинг ҳам қутлуғ.  
Ишқнинг нури-ла тўлуғ,  
Сўзимни аямайман.

Не бўпти даҳри очун...



## ХАЙР ДЕМА

Хайр дема, хайрлар тила,  
Дил-эй, дилга сайрлар тила.  
Қалдирғочни олиб учгувчи,  
Турналардек тайрлар тила.

Кундуз бергин, лайлимни синдир,  
Саёқ кетса, сайлимни синдир.  
Ахир, менинг майлим ҳеч нима,  
Майлинг учун майлимни синдир.

Надир қалбим ранж-гиналари,  
Дийдор улуғ ганжиналари.  
Ҳузур қилар дилимни қийнаб,  
Бу дунёнинг ажиналари.

Ҳар садо вал-фажр эмас-ку,  
Ҳамма алам ҳажр эмас-ку.  
Ўзинг айтгин, ўзингдан ўзга  
Муносиб бир ажр эмас-ку.

Хайр дема...





## ТУНДА

Ойми, қучди менинг кўзимни,  
Ойни қучди ёки нигоҳим.  
Кунлар кундай бокираман мен,  
Тунлар сочиб қўйма гуноҳим.

Сарғаяман, япроқ бўламан,  
Тупроқларга бериб бағримни.  
Мен эртага шавққа тўламан,  
Гул қиламан ҳатто қаҳримни.



## МЕНИНГ ПЕШОНАМ

Бутун борлигингни менга бергандинг,  
Сенга берган эдим бутун борлигим.  
Менинг зорликларим зорлигинг эди,  
Сенинг зорликларинг эди зорлигим.

Ўшанда баҳорлар қиларди ҳавас,  
Кийиклар ўйнарди қояларида.  
Бир гўзал яшардик ўшанда гулим,  
Қалдирғоч қанотин сояларида.

Ўшанда булбуллар куйларди гўзал,  
Эртаклардан гўзал эртақ айтарди.  
Тузук жамолини очиб-очмасдан,  
Ғунчалар айтарди, куртақ айтарди.

Менинг бор бисотим телба юрагим,  
Менинг вайронам-у, менинг кошонам.  
Эҳ, қанча савдолар сиғди сўзламай,  
Сенга торлик қилди менинг пешонам.



## **НИГОРОНЛИК**

«Айрилиқ висолнинг қотили»,  
Қаҳратон кўкламни қувади.  
Эҳ, қачон майсалар етилиб,  
Шудринглар юзини ювади.

Баҳорим нигорон йироқда,  
Дилимга армонлар тўшайман.  
Битта ишқ кўкарар қароқда,  
Мен уни соғиниб яшайман.



## ЖОНИМГА...

Чил-чил бўлиб кетган шиша — умидим,  
Қип-қизил кўксимда сарғайган армон,  
О, сенинг келишинг жудаям яхши,  
О, сенинг келмасинг жудаям ёмон.

Сарвсан, борасан сарвлигингга,  
Битта баргингни ҳам ерга эгмайсан,  
Ҳамма,  
Ҳамма нарса тегди жонимга,  
Нега сен жонимга тегмайсан?!



**ЁЛҒИЗ СЕНИ СУЙИБ...**

Бир дард билан ўламан ўлсам,  
Мен ой билан тўламан тўлсам,  
Ойсан, ойдан мунаввар гулсан,  
Ишқингда зор куйиб ўтгайман,  
Ёлғиз сени суйиб ўтгайман.

Юрагимда яшарсан армон,  
Кўзларимда чайқалган уммон,  
Шайдо дилда бўлмайдигумон,  
Ишқингда зор куйиб ўтгайман,  
Ёлғиз сени суйиб ўтгайман.

Ухлоқ жонни уйротган, гулим,  
Гул отсам, ханда отган гулим,  
Бир бор топиб йўқотган, гулим,  
Ишқингда зор куйиб ўтгайман,  
Ёлғиз сени суйиб ўтгайман.

Висол шундай эртакми, дунё,  
Ошиқ диллар эрмакми, дунё,  
Сенсиз юрак юракми, дунё?  
Ишқингда зор куйиб ўтгайман,  
Ёлғиз сени суйиб ўтгайман.

Соғинчлардан топарман сени,  
Сочларингдан ўпарман сени,  
Гулдан тиниқ, эй армон, сени,  
Ишқингда зор куйиб ўтгайман,  
Ёлғиз сени суйиб ўтгайман.



## БУ НЕ ҲОЛАТ?

Пирпиратма кўзингни, дунё,  
Қўй титрама, титрама бунча.  
Кўнглим балки очилгани йўқ,  
Балки гулламаган у гунча.

Йўқ шунчаки дилдирамадим,  
Дилдиратти осмонни нолам.  
Олам, мени севиб қолдингми,  
Сени севиб қолдимми, олам?!



## ГУЛ ВА ЯПРОҚ

Юрагимда муҳаббатнинг гули ўсган,  
Бу қалбимни ўйнатувчи сабо эсган,  
Дилимдаги боримни, ёр, айтай энди,  
Пешонангдан ўпай десам сочинг тўсган.

Майли тўссин, қошларингдан ўпарман, ёр,  
Майли тўссин, сочларингдан ўпарман, ёр,  
Кувонаман, севганим бор, ёргинам бор,  
Пешонангдан ўпай десам сочинг тўсган.

Ахир, ёрим, бу дунёдан нолиш ёмон,  
Сен севасан, мен севаман тониш ёмон,  
Шундай экан, дард-аламда ёниш ёмон,  
Пешонангдан ўпай десам сочинг тўсган.

Ёрим, сенинг юрагинг оқ, тилагинг оқ,  
Ипқ гулисан, мен ундаги битта япроқ,  
Биласан-ку, гул ва япроқ бирга ҳар чор,  
Пешонангдан ўпай десам сочинг тўсган.



### ШАРҲ

Сенинг таърифингми, нимаям дердим,  
Энг гўзал ҳаётсан, мангу ўлимсан.  
Сарғайган кузаксан, шунчалар ғариб,  
Кўкламсан, яшнаган, бирам сўлимсан.

Шундай хасиссанки, шунинг тенгида,  
Барча ҳотамларнинг ҳотамисан сен.  
Кас йўқки, сенчалик бешафқат бўлсин,  
Меҳрсан, кўнгиллар малҳамисан сен.

Яна не тилайсан сўқир булбулдан,  
Қанча айёр бўлсанг, шунча соддасан.  
Кўнгиллар бисёрдир ватанинг бўлган,  
Шундай ҳолингда ҳам фақат битгасан.





## **О, МУҲАББАТ**

Менинг қалбим ёнаётир, қуёшга бер,  
Етим қолган умидимни бардошга бер,  
Гарди кетсин, дунёларни кўз ёшга бер,  
О, муҳаббат, сени қандай унутаман.

Қароқларинг қутқусида қайғуларим,  
Мунгли-мунгли куйлайди дил чолғуларим,  
Эй, сиз менинг шабнамдайин туйғуларим,  
О, муҳаббат, сени қандай унутаман.

Пири комил, кечар бўлдим садойимдан,  
Тоғлар қалқиб кетмасалар нидойимдан,  
Бир нурли ишқ тилаб беринг худойимдан,  
О, муҳаббат, сени қандай унутаман.

Фақат сенга сўзлайман дил ярасидан,  
Одам излаб одамларнинг орасидан,  
Нетай, кетгим келса тошлар орасидан,  
О, муҳаббат, сени қандай унутаман.



## ЭРТАК СОҒИНЧИ

Дардларимни йиғлаб-йиғлаб айтиб бергум  
Бобом экиб кетган азим терагимга.  
Дунёси не берган бўлса қайтиб бергум,  
Қизғалдоқлар оқиб келди юрагимга.

Япроқларми, кўнгилчамдан тўкилган ғам,  
Дардлар ўтиб кетди этдан суягимга.  
Икки дунё букчаяди оҳлар урсам,  
Қуёш ҳам кул бўлар кўнса кўкрагимга.

Муҳаббатлар яшаётган юрт қаёқда,  
Раҳмим келди, армон бўлган тилагимга.  
Эндигина баҳор келай деган чоғда,  
Қумриларим кўнмай ўтди биллагимга.

Эртакларни унутгандим, шундан бери,  
Гулиқаҳқаҳ гуллар сочмас юрагимга.  
Дунёсига ишонмайман тийин бари,  
Мен яшагим келаяпти эртагимда.



**МЕҲР**

Макр тўла дунё сергакроқ бўлгин,  
Ва барча тошларга тайёр тур, юрак.  
Ахир, мўъжизага кўмиб оламни,  
Барибир, барибир яшашинг керак.

Чайир қайғуларнинг бағрида, маҳкам  
Қаддингни тик тутгин, тераклар каби.  
Йўқ, бунда ҳамманинг бизга тикилган  
Покиза эмасдир кўзлар матлаби.

Эскирган ўйларнинг баҳридан ўтгин,  
Чиркин кулгуларга берма эътибор.  
Биламан, минг марта қийнаб ўзингни,  
Яна юпатасан ўзингни минг бор.

Юрак, насиҳатлар сенга не даркор,  
Шундай ҳам ҳисларинг нурли, зиёли.  
Сенга ёруғ бахтлар бермоқ истайман,  
Дунёнинг энг мунис, эрка аёли.



## НАВРҮЗ

Уйимга келди олам,  
Куйимга келди олам,  
Тўйимга келди олам,  
Шу менинг кўнглиммикан?!

Абрлар тўкилдилар,  
Жабрлар тўкилдилар,  
Сабрлар тўкилдилар,  
Шу менинг кўнглиммикан?!

Сўзларим гуллайдилар,  
Бўзларим гуллайдилар,  
Рўзларим гуллайдилар,  
Шу менинг кўнглиммикан?!

Гулимни ўпгум энди,  
Дилимни ўпгум энди,  
Ўлимни ўпгум энди,  
Шу менинг кўнглиммикан?!



## **ШИРИН СЎЗ**

Умрим барча ситамга тоқат,  
Бу ҳам битта яшашнинг русми,  
Сен чиройли сўрайсан фақат,  
— Мени севасизми?

Баҳор сенга малоҳат насиб,  
Япроқчалар безайди кузни,  
Сен сўрайсан гўёки шошиб,  
— Мени севасизми?

Кўзларимда олиб боряпман,  
Шабнамларда чўмилган ҳисни.  
Шу бир сўзинг ҳисдан муаззам,  
— Мени севасизми?

Нилуфарга ҳаёт бер, дунё,  
Руҳи гулдир, гулдандир жисми,  
Шивирлари бир меҳригиё,  
— Мени севасизми?

Севаман деб айтаман қандай,  
Юрагимда жаранглар исминг,  
Сен қалбимга нур бергин шундай:  
— Мени севасизми?



## РУЖУЪ

Сизга нима керак, тортинманг сира,  
Жоним керак бўлса — тутавераман.  
Барча қувончим ҳам сизники, жоним,  
Ғамларингиз бўлса — ютавераман.  
«Қийналиб кетасиз, сизга зарурми?»  
Минг йил кутмоқ бўлса — кутавераман.  
Қандай шартингиз бор васлингиз учун?  
Ўлимга бўлса ҳам кетавераман.  
Ҳамон қилт этмайсиз,  
Ҳамон сиз жимсиз,  
Мен ўзимга-ўзим сўйлайвераман.  
Майли, келмай қўяй хаёлингизга,  
Мен барибир сизни ўйлайвераман.



## ДИЛБАР ОВОЗ

Бир муддат муаллақ қотди коинот,  
Вақт ҳам шитобидан тўхтади бехос.  
Шунчалар ҳам гўзал бўларми ҳаёт,  
Бунчалар муаззам бу дилбар овоз.

Хаёл денгизига тароват кўнгил,  
Қуёшни куйдирди олов эҳтирос.  
Оққушдек учмоқда ҳавода енгил,  
Бунчалар муаззам бу дилбар овоз.

Ойнинг нурларига беланган туйғу,  
Ложувард кенгликка кўрк айлаган роз.  
Не тонг, қайғулигин унутди қайғу,  
Бунчалар муаззам бу дилбар овоз.

Бу кимнинг овози, қўшиқдан юксак,  
Қай гулнинг шивири жонбахш, дилнавоз.  
Энг сулув бахтга ҳам ярашиқ безак,  
Бунчалар муаззам бу дилбар овоз.



**ВАСЛ**

Бу кеч ҳам йиғладим, бу кеч ҳам шундай,  
Сарғайган япроқлар туфроққа яқин.  
О, менинг кунларим бугун бошланди,  
О, менинг кунларим бугундан яқун.  
Бу кеч ҳам йиғладим, бу кеч ҳам шундай,  
Уй маконинг — кўнглим асдир.  
Жоним, мен биламан сарғаймоқ фасл,  
Жоним, мен биламан ўлмоқ — васлдир.





**ХЎЖА ИЛМ КОН. СОҒИНЧ**

Подалар келди бош-бош,  
Оёғида нуқра тош,  
Силкиниб кетди майса,  
Сочилиб кетди қуёш.

Нуқра нима жон,  
Нуқра нима жон?

Подалар келди бош-бош,  
Оёғида нуқра тош,  
Кўкка сизмайми юлдуз,  
Кипригимга қўйди бош.

Нуқра нима жон,  
Нуқра нима жон?

Подалар келди бош-бош,  
Оёғида нуқра тош,  
Кўклам нима, юр, кетдик,  
Хазонларга олиб бош.

Нуқра нима жон,  
Нуқра нима жон?



## ЭСКИ ҚҰШИҚ

«Дупур-дупур от келди,  
Чиқиб қаранг, ким келди».  
Ҳамма хуррам, билдирмай  
Бир қиз йиғлаб, жим келди.

Ёлғон оқшом оқлигинг,  
Тунлар бирам тим келди,  
Нафаслари етмай-а,  
Ҳаво ёмон дим келди.

Ўзида йўқ дунё — шод,  
Ой келдими, кун келди,  
Кулмайсанми, ай, дилдор,  
Бунча бағринг хун келди?

Гулбаргчалар гўшанга,  
Капалаклар зум келди,  
Содлар гўзал, нун гўзал,  
Айтолмайман, мим келди.

Дупур-дупур от келди,  
Чиқиб қаранг, ким келди,  
Дилбар, сенга қўшилиб,  
Бахту тахтлар чин келди.  
Дупур-дупур от келди...



## ЭЙ СЎЗ

Борлик ҳам, йўқлик ҳам сўздан бошланар,  
Умримиз йўллари рўздан бошланар,  
Меҳру муҳаббатми, кўздан бошланар,  
Сен менинг жонимсан, руҳимсан эй сўз.

Эй дунё, чашмимда дурлар тошқини,  
Қалбимда покиза нурлар тошқини,  
Дилда ком аталмиш ҳурлар тошқини,  
Сен менинг жонимсан, руҳимсан эй сўз.

Саодат калити ҳидоят, билсанг,  
Гул манзилига бошлар ривоят, билсанг,  
Юраклар ёнмоқда ниҳоят, билсанг,  
Сен менинг жонимсан, руҳимсан эй сўз.

Эй ҳаёт, баҳор ҳам, куз ҳам азиздир,  
Эй умр, шаккар ҳам, туз ҳам азиздир,  
Англисанг, бисёрлик, оз ҳам азиздир,  
Сен менинг жонимсан, руҳимсан эй сўз.

Борлик ҳам, йўқлик ҳам сўздан бошланар,  
Умримиз йўллари рўздан бошланар,  
Меҳру муҳаббатми, кўздан бошланар,  
Сен менинг жонимсан, руҳимсан эй сўз.



## ДАЛДА

Ҳамма нарса қийнайди гўё,  
Ҳамма нарса келтирар гашинг.  
Сенга фақат кулгу ярашар,  
Мумкин эмас сенинг йиғлашинг.

Кимни қарғаб, дейсан кимгадир,  
Тошдан бўлсин илоҳо бошинг.  
Бунга ҳеч не демайман, лекин  
Мумкин эмас сенинг йиғлашинг.

Асал тутиб гоҳо нокаслар,  
Оғуларга тўлдирар ошинг.  
Озорланма, айланиб кетай,  
Мумкин эмас сенинг йиғлашинг.

Ҳаёт бордир кўзларингда гул,  
Нима дунё, тўкмагин ёшинг.  
Қанча йиғи, ўзим йиғлайман,  
Мумкин эмас сенинг йиғлашинг.



## ЗАРУРАТ

Тўғри, сизнинг кўзингизда кунлар кулар,  
Бу сочилган сочингизда тунлар кулар,  
Тилингиздан учиб чиққан унлар кулар,  
Фақат, фақат менсиз бахтли бўлолмайсиз.

Пойингизда юлдузчалар гилам бўлар,  
Ҳатто хазон тўла боғлар кўклам бўлар,  
Битта нарса дунё қадар бир кам бўлар,  
Фақат, фақат менсиз бахтли бўлолмайсиз.

Сиз йиғлайсиз, ёшингиздан гул унади,  
Ёшлар тўккан кўзингизда дил унади,  
Югурасиз, аммо қачон йўл унади,  
Фақат, фақат менсиз бахтли бўлолмайсиз.

О, бокирам, лафзингиздан, аҳдингиздан,  
Айтишади, бир эркалаб шахтингиздан,  
Сиз истайсиз дейишларин бахтингиздан,  
Фақат, фақат менсиз бахтли бўлолмайсиз.



## ЁЛҒОНЛАРИМ

Орзуларим юрагимнинг тайри, гулим,  
Юлдузларнинг орасида сайри, гулим,  
Айтолмайман, қувончу ҳам айри, гулим,  
Бир кун мени ёлғонларим ўлдиради.

Малоҳатли туйғуларим муқаддасим,  
Юрагимда алвон гуллар қурди базм,  
Кўзларимдан нур таратган нурдай исм,  
Бир кун мени ёлғонларим ўлдиради.

Тиллар ёмон, тилларимни тилиб кетди,  
Дилдай дилбар гулларим сир юлиб кетди,  
Сўнг устимдан мазах этиб кулиб кетди,  
Бир кун мени ёлғонларим ўлдиради.

Чин ошиқлар қуйиб кетган, мен — ол майман,  
Гуллаб кетган гулчаларни мен олмайман.  
Севмай дейман, мен севмасдан яшолмайман,  
Бир кун мени ёлғонларим ўлдиради.



## РУҲИМ

Саҳроларда адашиб қолган,  
Бир бечора ғариб теваман.  
Бир сен учун куяман, куйсам,  
Фақат битта сени севаман.

Қўй йиғлама, ўксима осмон,  
Ёшим билан юзинг юваман.  
Қалқиб-қалқиб сўнг ёшларимда,  
Фақат битта сени севаман.

Бу дунёда бахт борми, дея  
Бир гул йиғлар, ё мосувоман.  
Ҳумо бўлиб, кўзингга қўниб,  
Фақат битта сени севаман.

Бу ўткинчи дунёларида  
Муҳаббат ҳақ — шундай навоман,  
Садоқат дил ҳовучларида,  
Фақат битта сени севаман.



## МУҲАББАТ УЧУН

Дунё, турфа найранг тўла  
Бозорларга ўргандим,  
Тилиб кетди юрагимни,  
Озорларга ўргандим,  
Минг бор ўлдим, шу мингта  
Мозорларга ўргандим,  
Сен дилларнинг ўлмайдиган  
Садоларин бил, гулим.

Ўзингни бахт, дилимни  
Жабрларга бериб кет,  
Тупроқ бўлсин тошларим,  
Сабрларга бериб кет,  
Сен устида ўс, мени  
Қабрларга бериб кет,  
Сен дилларнинг ўлмайдиган  
Нидоларин бил, гулим.

Сен кул, менга шу қисмат,  
Йиғлаб ўтай дунёдан,  
Бир навонинг сеҳри-ла,  
Рухлаб ўтай дунёдан,  
Ҳатто бахтни туш кўрмай,  
Ухлаб ўтай дунёдан,  
Сен дилларнинг ўлмайдиган  
Видоларин бил, гулим.





## СЕН УЧУН

Сенинг масканинг-ку юрагим арши,  
Баҳор бўлиб кел ё баҳорни чақир.

Оҳ!

Барча отилган тошларга қарши,  
Мен, ахир ўлмайман, ўлмайман ахир.

Ўтгиси келмайди кунларнинг, ажаб,  
Бу ҳаёт ўтади ширинми, тахир.  
Чарҳда ҳамма нарса берилган ўлчаб,  
Мен, ахир ўлмайман, ўлмайман ахир.

Ким сени англабди, алдамчи дунё,  
Минг турли нағмалар қиласан моҳир.  
Раҳминг келмайдими ўзингга ҳам ё,  
Мен, ахир ўлмайман, ўлмайман ахир.

Эҳ, сени топгандим, йўқотдимми гул,  
Ҳали ҳам ифторинг кўзимдан анқир,  
Қучоғимда кулгин, кўнглимда ҳам кул,  
Сен учун ўлмайман, ўлмайман ахир.



## ДУНЁ

Кўрдим, минг бор ҳаёт бағишлаб,  
Минг ўлимга бошлар ҳам дунё.  
Ўйлагандим, тошлар йиғламас,  
Йиғлар экан тошлар ҳам, дунё.

Дил шод дединг, шодлигинг нима,  
Бўларкан-ку, фошлар ҳам, дунё,  
Ўлиб ётар ҳатто тириклар,  
Мангу яшар лошлар ҳам, дунё.

Сенинг турфа ўйинларинг кўп,  
Тўқ яшаркан очлар ҳам, дунё.  
Чидар экан барига кўнгил,  
Тошдан экан бошлар ҳам, дунё ...



## ТЎРТЛИКЛАР

Кўзимдан, сўзимдан бир оҳ келади,  
Ўзим ҳам билмайман, ногоҳ келади,  
Мен қайга назарим ташламай, жоним,  
Жонимни куйдирган нигоҳ келади.

\*\*\*

Ёшларим бағринда ёшлар гуллади,  
Сирларим гуллади, фошлар гуллади,  
Сенинг исминг билан уйғонди дунё,  
Тошларни ўпгандим, тошлар гуллади.

\*\*\*

Етти қат ер ичра зиёлар сочдим,  
Етти қат кўк узра гўёлар сочдим,  
Исмингни лабимда тутиб тургандим,  
Нечук тил адашди, риёлар сочдим.

\*\*\*

Боқгил, кўзим тўла шахрим нур маним,  
Қалбим сизиб чиқди, наҳрим нур маним,  
Сени дея чеккан азобларим нур,  
Демакки, меҳрим ҳам, қаҳрим нур маним.

\*\*\*

Дунё, баҳоринг йўқ, боғларинг хазон,  
Отдинг не тошу тоғларинг хазон  
Ғариб юрагимда бир доғки буюк,  
Эҳ, сенинг доғларинг, доғларинг хазон.



...

Қайга ошиқмоқда қадамлар шошиб,  
Туфроқ осмон сари очилган эшик,  
Битта ҳақ туйғу бор, битта ҳақ борки,  
Ўлмайди, тобут не, тобут ҳам бешик.

...

Тилинг тилаганча сийму зар сенга,  
Шулар энг муқаддас, мукамбар сенга,  
Япроқлар шивирлаб қуёшга кетди,  
Кетарда кафтингда нима бор сенга.

...

Ўзимча кўкларга учиб олибман,  
Билдим, баргдек ерга тушиб олибман,  
Ахир, менинг сендан ортиғим борми,  
"Сенми деб тиззамни қучиб олибман".

...

Қалбим ифоридан ялпиз сўзлайди,  
Кўзим қаросидан наргис сўзлайди.  
Гар қалбим қўрини англай олмасанг,  
Тупроққа қулоқ тут, илдиз сўзлайди.



## ГУЛ САНАМ

### 1

Гули, менинг сўзим қаёқда,  
Соқов бўлдим. Айландим тошга.  
Гули, сенинг сўзинг қаёқда,  
Сўзламайсан нега?  
Гули, менинг кўзим қаёқда,  
Йўқотиб қўйган кўзим.  
Гули, сенинг кўзинг қаёқда,  
Йўқотдингми кўзингни?  
Гули, менинг ўзим қаёқда,  
Изсиз йўқолган ўзим.  
Гули, сенинг ўзинг ўзингда,  
Йўқотмайсан ўзингни ўзинг.

### 2

Кўзларингни соғиндим, Гулим,  
Юлдузлар ёғмоқда киприкларимдан.  
Икки соҳилдамиз, боряпман ўтиб,  
Дарёнинг дарз кетган кўприklarидан.  
Кўзларингни соғиндим, Гулим,  
Етиб бўлармикин хаёлларимга.  
Мен кўнгил бермадим, дунё тескари,  
Изимда изғиган ҳиллоларимга.  
Кўзларингни соғиндим, Гулим,  
Ҳижронлар, сеними, армон атади.  
Гар менинг чекимга тушсайди дунё,  
Буткул майхонага айланар эди.  
Кўзларингни соғиндим, Гулим...



3

Гул санам, санам-ей, санамим,  
Соч сочинг, сочингга чўмилай.  
Баҳорлар юзингдан олди ранг,  
Бир жилмай, гулларга кўмилай.  
Гул санам, санам-ей, санамим,  
Ин-оғам бўлади бардошлар.  
Шу меҳр нигоҳинг ташласанг,  
Эри-иб тушади қуёшлар.  
Гул санам, санам-ей, санамим,  
Биз буткул аламдан кетамиз.  
Қўл бериб муҳаббат, орзуга,  
Юлдузга бош қўйиб ётамиз.  
Гул санам, санам-ей, санамим...

4

Юрагим томмоқда кўзимдан,  
Лабларим чопмоқда изингдан.  
Оҳимдан ларзада осмон ҳам,  
Гул санам, Гул санам, Гул санам.  
Бир армон тўкилса кўксимга,  
Қаддим дол, кўрмай бир исмга,  
Эсим йўқ, келтиргил эсимга,  
Гул санам, Гул санам, Гул санам.  
Заминми, елдан тез чопади,  
Ҳар куни қуёш ер ўпади.  
ДИЛ қачон, дил сени топади,  
Гул санам, Гул санам, Гул санам.  
Диллар кўп. Дилларга сачрадим,  
Сенингман. Ёлғон сўз — ажрадим.  
Ибтидом, интиҳом, бор-будим,  
Гул санам, Гул санам, Гул санам...

5

Ўн саккиз ёшингда ўн саккиз мингта  
Оламлар эргашди сенга, Гул санам.  
Ўн саккиз ёшимда ўн саккиз мингта  
Аламлар эргашди менга, Гул санам.

Ўн саккиз ёшингда ўн саккиз мингта  
Қувончлар бағрида яшаяпсан, Гул.  
Ўн саккиз ёшимда ўн саккиз мингта  
Аянчлар бағрида яшаяпман, Гул.

Ўн саккиз ёшингда ўн саккиз мингта  
Парилар сочингни ўради сени.  
Ўн саккиз ёшимда ўн саккиз мингта,  
Сўраса ҳам оҳлар сўради мени.

Ўн саккиз ёшингда ўн саккиз мингта  
Фалакларда яшасанг керак.  
Ўн саккиз ёшимда ўн саккиз мингта  
Оққушларга айланар юрак.

6

Минг ғам чеқдим, озор ўтди юрагимдан,  
Озор-озор бозор ўтди юрагимдан,  
Алвон-алвон гулзор ўтди юрагимдан,  
Куйган бўлсам қуёшдан-да куйгандирман.  
Суйган бўлсам, Гул санамни суйгандирман.  
Кетадирман, қарорим шу, кунга томон,  
Сиз билмаган, англамаган унга томон,  
Унга томон, унга томон, унга томон,  
Мен ҳам банда — хатога йўл қўйгандирман,  
Суйган бўлсам...

Суйган бўлсам...  
Суйган бўлсам...  
Суйган бўлсам...  
Гул санамни суйгандирман.

7

Бутун юрагимда дарддан иморат,  
Сўнгсиз ўй-хаёллар бўйнимдан бўғар.  
Турналар баҳордан айтманг ривоят,  
Сиқилиб кетаман. Жоним қийналар.

Соғиндим.

Ҳаёдан рўмолча ёпинган гулим,  
Булбулинг кутарсан ҳазин энтикиб,  
Менинг ҳам дўзахда қолгандай дилим,  
Юрак уммонида андуҳлар чўкиб.

Соғиндим.

Кел-ей, сабру тоқат, бўл қариндошим,  
Муҳаббат аслида бокира замзам,  
Абадий қуёшдек абадий ишқим,  
Биз бирга бўламиз, ишон, Гул санам.

Соғиндим...





## НАРГИС

### 1

Айтгин, мужгонимда мавжланган шабнам,  
Кўзимда юрагим қуёшдай балқир.  
Мен ҳали боламан, мен ёш боламан,  
Мени ёмон кўриб бўлмайди, ахир!

Шафқатни билмайди дунёйи беҳис,  
Муҳаббат бечора, муҳаббат сағир.  
Сенинг руҳинг наргис, вужудинг наргис,  
Мени ёмон кўриб бўлмайди, ахир!

Қирққизда қирқта гул бепарво ухлар,  
Руҳимда гуллаган бир исм тақдир.  
Кўзимда аҳли кул тебраниб йиғлар,  
Мени ёмон кўриб бўлмайди, ахир!

Дил — жомда товланган атиргулдай ол,  
Менинг ҳаётимдан сўйлайди чоғир.  
Хазонларни кўкка учирган шамол,  
Мени ёмон кўриб бўлмайди, ахир!

Билмайман, чулдираб сўйладим нени,  
Бу не ҳолатдирки, кўнглумда содир.  
Аслида менимас, аслида сени...  
Сени ёмон кўриб бўлмайди, ахир!

### 2

Бўғзимда тирқирар нидо — жон  
Шул нидо жонимга фидо жон.  
Кўзимда гуллаган ҳаяжон,  
Исмингдан айланай, Художон!

Бу гулгун май — умр, ичмайми,  
Ҳумога қўшилиб учмайми,  
О, бу гул руҳимдир, қучмайми,  
Исмингдан айланай, Художон!

Хўб беҳуш айлади ҳуш ислар,  
Ҳуш ислар — шабнамдан пок ҳислар,  
Кўнглумнинг гуллари наргислар...  
Исмингдан айланай, Художон!

Кўйингда куй бўлди, куйди жон,  
Минг марта жонидан тўйди жон,  
Барибир, барибир суйди жон,  
Исмингдан айланай, Художон!

Бўғзимда тирқирар нидо — жон,  
Шул нидо жонни деб адо жон,  
Дунёга айтилган видо — жон,  
Исмингдан айланай, Художон!

3

Гулар кўнгуларнинг қарзимас, гулим,  
Битта шивиринга арзимас, гулим,  
Сендан бошқалари орзумас, гулим,  
Ғамларни менга бер, ғамларни менга!

Ҳали айтилмаган аҳдлар келади,  
Самога интилган шахтлар келади,  
Айланиб, ўргилиб бахтлар келади,  
Ғамларни менга бер, ғамларни менга!



Сен куйсанг, қуёш ҳам кулга айланар,  
Сен суйсанг, юрагим гулга айланар.  
Бу диллар ҳали бир дилга айланар,  
Ғамларни менга бер, ғамларни менга!

4

Севгилим! Тошлар ҳам эшитсин, майли,  
Тушса кўнглумизга тупроқ бўлади.  
Санамоқ бўлсалар ёшимизни гар,  
Ҳатто юлдузлардан кўпроқ бўлади.

Севгилим! Биз ёндик, биздан шунчалар  
Захлаган туйғулар йироқ бўлади.  
Мана, кўзимизда тутдик юракни,  
Қуёшдан мунаввар чироқ бўлади.

Севгилим! Кўрарсан, қанотсиз диллар  
Ишқимиз сеҳрида учмоқ бўлади.  
Меҳр аямаймиз, уларни кўкка  
Элтади, қалбимиз учоқ бўлади.

5

О, муаттар нилий нигоҳлар,  
Бунча дилбар наргисий чехра.  
Менми, сени асрашим даркор,  
Сен ҳам мени асрашинг керак.

Тутдим кўзим ҳовучларида,  
Мана, кундай порлади юрак.  
Руҳимда рақс, довушларингдан,  
Сен ҳам мени асрашинг керак.



Қара, қалбга бормоқда қалбим,  
Қанча азоб йўлларда бешак.  
Бир эркалаб қўй, даҳри қадим,  
Сен ҳам мени асрашинг керак.

Дилдай оппоқ орзулар қилдим,  
Нораста тонг — нораста гўдак.  
Кўнглумни кўк тоқига илдим,  
Сен ҳам мени асрашинг керак.

О, муаттар нилий нигоҳлар,  
Бунча сулув наргисий чеҳра.  
Сени жондай асрашим даркор,  
Сен ҳам мени асрашинг керак.

6

Нимага ташнадир бу қақроқ лаблар,  
Кимни изламоқда бу кўзлар, ёху.  
Дунёда бир гул бор, гуллардан дилбар,  
Дунёда бир дил бор, беозор оху.

Зулумот йўлларни ёритар тақдир,  
Умидим — кўнглумда нур сочган чироқ.  
Сенинг келишларинг бахтиёрликдир,  
Сенинг кетишларинг — энг буюк фироқ.

7

Бу дунё дилларнинг ҳабиби демай,  
Ҳақдан хайрларнинг тилаган хайри.  
Ахир, яшаб бўлмас гулларни севмай,  
Ахир, яшаб бўлмас гуллардан айри.



Ростимни айтайин, ай, ялпизий жон,  
Меҳр ҳам қадимий, қаҳр ҳам қадим.  
Мен сени топганман десам, бу ёлғон,  
Мени сени йўқотдим десам, алдадим.

8

Наргис — юрагимда гуллаган гулим,  
Кўзимда жимирлар шода-шода нур.  
Бир бахтки, шунчалар, шунчалар сўлим,  
Ҳали очилмаган ғунчадайин хур.

Менинг хаёлимдай нафис, бокира,  
Наргис — юрагимда гуллаган гулим.  
Ложувард кенгликлар ҳайрати аро,  
Сенга бошлайверар самовий йўлим.

Оҳ! Менинг фалакка узанган қўлим,  
Инжа муждалардан хабар бер, Осмон!  
Наргис — юрагимда гуллаган гулим,  
Фақат ишқ, фақат ишқ, бошқаси ёлғон.

Ҳатто очилмаган ғунчадан ҳам хур,  
Битта бахт меники, шунчалар сўлим.  
Кўзимда жимирлар шода-шода нур —  
Наргис — юрагимда гуллаган гулим.

9

Гулим, мен кетарман кунларга сачраб,  
Дунёдан ҳам ажраб, ўзимдан ажраб,  
Мен ҳам бир девона, мен ҳам бир машраб,  
Тамом, дил, бошқача яшамайман мен.



Ким учун зор йиғлаб кутса бўлади,  
Аламлар чекиб, ғам ютса бўлади?  
Айт, яна қандай йўл тутса бўлади?  
Дунё йўлига гул тўшамайман мен.

Осмон юлдузларни кўзимга элар,  
Юлдузлар дилимга қайғулар белар,  
Ўзимга жудаям ўхшагим келар,  
Нетайки, ўзимга ўхшамайман мен.

10

Сенинг қувончингга арзимади шеър,  
Чеккан ғамларингга арзимас байтим.  
Кўнгул шу қадар бўш бугун, гўёки  
Ўлик мозийларда ўлган бир айтим.

Оҳ! Йигирма тўрт йил — энг узоқ умр,  
Кўзинг мозорида ўлсам яхшидир.  
Дунёни кибрлар ўлдиради-ку,  
Қайдасан муҳаббат, қайдасан ахир?!

Тилдан учиб чиққан сўзлар ёлғондир,  
Энг тоза сўзларим кўзимда маним.  
Ахир, сени ёмон кўра олмайман,  
Ахир, чиндир сени жондан суйганим.

Фақат шу, фақат шу, энг узоқ умр —  
Йигирма тўрт йилдир, йигирма тўрт йил.  
Фақат шу, ол этиб қучоқларингни,  
Кўзинг мозорида ўлсам яхшидир.



Тонглар очар кўкайимнинг дарчасини,  
Гул қўнғироқ шабнамларнинг аркчасини,  
Юрагимда шивирлаган баргчасини,  
Уюб-уюб, қучоғингда уй бўламиз.

Ғамли-ғамли бу кунлар ҳам иноятдир,  
Қайга боқмай, мўъжизадир, хосиятдир,  
Кўзим тўла айтилмаган ҳикоятдир,  
Суйиб-суйиб қучоғингда суй бўламиз.

Лолазор ишқ юрагимнинг нақши бўлар,  
Тил кўнгулга айланади, бахши бўлар,  
Нолима дил, ҳали бари яхши бўлар,  
Куйиб-куйиб қучоғингда куй бўламиз.

Яйратаман, яшнатаман тул ҳисларни,  
Доғим билан дил этаман дилсизларни,  
Нурларини юрагимда юлдузларни  
Туйиб-туйиб, қучоғингда туй бўламиз.



## СЕВГИ

### 1

Меҳр қуёшлари балқир кўзингдан,  
Менинг дунёларим бунча беором.  
Азалдан оламлар йиғлаб кўз очди,  
Азалдан дунёлар бевафо, фирром.

Сенинг қароқларинг энг гўзал Ватан,  
Сингиб кетолсайдим тозариб оҳим.  
Унумдан ивиблар кетса дунёлар,  
Унсам, атиргулдай гулласа руҳим.

Дам бўлса шундайин тонгдай нораства,  
Дам бўлса шундайин азиз, мукаррам.  
Англаб бир-биримиз яшасак, ҳатто —  
Азизам, ҳайратдан донг қотса олам.

### 2

Қалбимда қуёшми нураб, шом оқар,  
Бу йўлда қанчалаб шараф-шон оқар,  
Нигоҳи қалбимдан зарафшон оқар,  
Сен менинг гулимсан, битта меники.

Гоҳ обод, гоҳида вайронлар оқар,  
Бечора ҳолимга ҳайронлар оқар,  
Кўзлари оҳулар, жайронлар оқар,  
Сен менинг гулимсан, битта меники.

Дилимдан тўкилмас оҳорлар оқар,  
Сутга чайилгандек наҳорлар оқар,  
Бинафшазор қирда баҳорлар оқар,  
Сен менинг гулимсан, фақат меники.





3

Ҳушларимдан учди ҳушимдагилар,  
Кўзимдан балқийди ичимдагилар,  
Ўнгимга келсайди тушимдагилар,  
Бир гўзал дунёлар бўларди дунё.

Сулаймон кўрмаган тахтлар бўлсайди,  
Беғараз, бетимсол бахтлар бўлсайди,  
Шу тахту бахтга мос шахтлар бўлсайди,  
Бир гўзал дунёлар бўларди дунё.

Кўшкимда абадий ҳур сафар этсанг,  
Шабнамдан бокира хуш хабар этсанг,  
Ҳаммадан бахтиёр, музаффар этсанг,  
Бир гўзал дунёлар бўларди дунё.

4

Ол дунё билмайман, олингми сулув,  
Олларга қолган ё ҳолингми сулув,  
Йўфингми сулуви, борингми сулув.  
Ёки минг наъмаю корингми сулув?  
Билмайман, бодомми, жийда гуллаган,  
Билмайман, не учун, қайда гуллаган,  
Ердами гуллаган, ойда гуллаган,  
Булардан топар не фойда гуллаган.  
Ёки шунчалар ҳам қароми тақдир,  
Азаддан юрагим яроми, тақдир,  
Дунё деганлари баломи, тақдир,  
Ёлғони дилига ороми, тақдир.  
Олам рўёлардан совиб қоласан,  
Шубҳа-гумонларинг қувиб қоласан,  
Иймон-ла дилингни ювиб қоласан,  
Мен сени...  
Сен мени севиб қоласан.

Бул кун учиб келди кўнглумга қушлар,  
Ҳосили мўлмидир ишкомларимнинг,  
Мана, қушчаларим суяр беозор,  
Гулдай улғаймоқчи бор комларимни.  
Шунчалар ҳам ҳарир бўларми дунё  
Қайдасиз, о, менинг йитган ҳушларим?  
Бунчалар гўзалдир кўнгул боғимда  
Сайру саёҳатлар қилган қушларим.  
Ё раб, нима бўлди,  
Йиғлаяпсанми,  
Ўзимнинг юрагим, не бўлди, эркам?  
Дил айтди:  
— Тушингу ҳушинг кетса ҳам,  
Беозор қушларинг кетмасин экан.



## НИЛУФАР

Ойу юдузларни қошига чорлаб,  
Сувлар билан суҳбат қураётган гул.  
Нилуфар гулим-а, нилуфар гулим,  
Кўзларим сен томон бошляпти йўл.  
Оққушлар сен ҳақда сўзлади қониб,  
Ай, кўнгил қурсин-а, девона кўнгил.  
Энди тезроқ юриб кўзларимдан ҳам,  
Юрагим сен томон бошляпти йўл.  
Тақдирнинг қўлида бир севги қурбон,  
Сувдан чиқолмайсан,  
Мен тушолмайман.  
Муҳаббат биз билмас ерларга кетган,  
Битта қучолмайсан,  
Бир қучолмайман.  
Нилуфар гулим-а, нилуфар гулим,  
Кўз ёшлар қўйнида яшаётган гул...

## 2

Нилуфар, нилуфар, нилужон,  
Кўзим нилларида очилган гулим.  
Нилуфар, нилуфар, нилужон,  
Қалбимда қадрдон дардларим лим-лим.

Нилуфар, нилуфар, нилужон,  
Гардимга келмайди гардун ғамлари.  
Нилуфар, нилуфар, нилужон,  
Энг гўзал ҳаёт бу — кўзинг сафари.



Нилуфар, нилуфар, нилужон,  
Тўлқинлар дилимнинг босимларими?  
Нилуфар, нилуфар, нилужон,  
Соғиндим дарёнинг насимларини.

Нилуфар, нилуфар, нилужон...

3

Ўзинг бир ғунчасан, ўзинг бир ғунча,  
Шундай ҳам ғўзалсан очилма бунча,  
Ёшимга қўшилиб кўзим томғунча,  
Тиз чўкиб баргингни ўпсам, нилуфар.

Бу дунё тенгмасдир анҳорларингга,  
Анҳорда сеп ёйган баҳорларингга,  
Ҳавас қилсин туну наҳорларингга,  
Тиз чўкиб баргингни ўпсам, нилуфар.

Дунёнинг бесамар ғамидан кетиб,  
Кипригида қўнган намидан кетиб,  
Ортиғидан кетиб, камидан кетиб,  
Тиз чўкиб баргингни ўпсам, нилуфар.

Митти шохчаларинг, поянг ҳам ғўзал,  
Кичкина қирларинг, қоянг ҳам ғўзал,  
Ўзинг жонимдирсан, соянг ҳам ғўзал,  
Тиз чўкиб баргингни ўпсам, нилуфар.

Айлангим келяпти ирмоқларингга,  
Раҳм эт, қадрари сўроқларингга,  
Мен илҳақ турибман қирғоқларингда,  
Тиз чўкиб баргингни ўпсам, нилуфар.



4

Ўзича қуёшдек порлар сурайё,  
Умидим тонгларга айласам сафар.  
Кўзим ёшларида гуллаган дунё,  
Нилуфар, нилуфар, нилуфар.

Меҳр юдузлари кўкларда олис,  
Кўзим учқунидан сачраган гавҳар,  
Телба юрагимдай, ғамимдай холис,  
Нилуфар, нилуфар, нилуфар.

Нафиса оҳанглар сочди дил гули,  
Бу қандай тароват, бу қандай ифор.  
Кун десам кунлардан тафтли, ёғдули  
Нилуфар, нилуфар, нилуфар.

Ўйларнинг чангида тўхтаб қолди вақт,  
Соҳира туйғулар рангида саҳар.  
Бахтлардан ясалган илоҳий бир тахт,  
Нилуфар, нилуфар, нилуфар.

5

Юдузлар осилди киприкларимга,  
Қайдан келаяпти тонгларнинг иси?  
Танни қўй,  
Руҳим ҳам талпинар сенга,  
Нилуфар — нилуфар дарёнинг қизи.  
Шундай ҳам яшашнинг йўлин билмадим,  
Шундай ҳам озорлар суюди дилни.  
Мени балиқ қилгил дарё, бўлмаса,  
Қирларда қизғалдоқ нилуфар гулни.



## МУДДАО

Улғайяпти менинг кўзларим,  
Ўсаяпти юрагим мана.  
Бугун боғлар бўй чўзди кўкка,  
Қумричалар қилди тантана.

Меникидир мана шу кўнгил,  
Ташлаб кетган роҳи рўёни.  
Покиза оҳ ҳаққи, ҳурмати,  
Шеър қиламан бутун дунёни.



## Мундарижа

Ишқ .....	3
Ватан .....	4
Ихлос .....	5
Ҳазрати Бобур .....	6
«Дил боқади...» .....	7
Ажрим .....	8
Муножот .....	9
Илтижо .....	10
Шукрона .....	11
Нидо .....	12
Сўроқ .....	13
Санам гул .....	14
Даъват .....	15
Ям-яшил туйғу .....	16
Ҳайрат .....	17
Ёмғирлар .....	18
Зулфия момонинг қизлари.....	19
«Гуллаб кетди...» .....	20
Алам .....	21
Зулфижон .....	22
Қўшиқ .....	23
Мардлар юрти .....	24
«Дунё, асрорларинг кўп...» .....	25
Васф .....	26
Бобурга айтилган қўшиқ .....	27
Қизим Шаҳинага .....	28
Кўзларини соғинаман .....	29
Болалик соғинчи .....	30
«Хўжа Илм Кон. Ойдан гўзаллар...» .....	31



Чархи кажрафтор .....	32
Мулоқот .....	33
Собитлик .....	34
Маржон .....	35
Илҳақлик .....	36
Олам .....	37
Иқроф .....	38
Сочларининг шамоли .....	39
Эй гул .....	40
Қароғимда асраганим .....	41
Маъсужон .....	42
Жоним .....	43
Сенинг исмингни... ..	44
Ҳаётим .....	45
Мунаввар дард .....	46
Бахтиёр аканинг фарёди .....	47
Кўзимдан сизилиб оқаётган шеър .....	48
Битта сўз .....	49
Сени топсам ўзни йўқотиб .....	50
Оҳанг иси .....	51
Юзма-юз .....	52
Терс шеър .....	53
Қарама-қаршилиқ .....	54
«Шундай ҳам...» .....	55
Йўловчи .....	56
Тажоҳилу орифона .....	57
Бу гул .....	58
Эй, Ой .....	59
Нома .....	60
Баёт .....	61
«Мен кетсам...» .....	62





Гулруҳим .....	63
Билгил .....	64
Бахтнинг шакли .....	65
Видо .....	66
Қадр .....	67
Қурбон .....	68
Маликам .....	69
Талабалар ётоқхонаси .....	70
Айлансам-о .....	71
Айвонимда қалдирғочларга... ..	72
Орзу .....	73
Азизам .....	74
Авайлаш .....	75
Юрагим катта .....	76
Бегоналик .....	77
Бўзлаш .....	78
Бағишлов .....	79
Танишув .....	80
Энг кўркем дунё .....	81
Ҳол .....	82
Салом билан хайр ораси .....	83
«Бир кун бир қуёшни...» .....	84
Таъриф .....	85
Онамга мактуб .....	86
Куз .....	87
«Қаерларда...» .....	88
Синглимга .....	89
Томиримда оқар ишқ .....	90
Мен сени ўзимдан сўрайман .....	91
Онамга .....	92
Куз хаёли .....	93

Овутиш .....	94
Раъно .....	95
Мардум .....	96
Опа .....	97
Зангори баёт .....	98
Фақат сен .....	99
Абадият .....	100
Оҳ урдим .....	101
Маним .....	102
Лаҳза .....	103
Журъат .....	104
Чорлов .....	105
Лола .....	106
Ажиб ҳолат .....	107
Эҳтимол .....	108
Сеникиман .....	109
Таажжуб .....	110
Ҳады .....	111
Хайр дема .....	112
Тунда .....	113
Менинг пешонам .....	114
Нигоронлик .....	115
Жонимга .....	116
Ёлғиз сени суйиб .....	117
Бу не ҳолат? .....	118
Гул ва япроқ .....	119
Шарҳ .....	120
О, муҳаббат .....	121
Эртак соғинчи .....	122
Меҳр .....	123
Наврӯз .....	124

Ширин сўз .....	125
Ружуъ .....	126
Дилбар овоз .....	127
«Бу кеч ҳам йиғладим...» .....	128
Хўжа Илм Кон. Соғинч .....	129
Эски қўшиқ .....	130
Эй сўз .....	131
Далда .....	132
Зарурат .....	133
Ёлғонларим .....	134
Руҳим .....	135
Муҳаббат учун .....	136
Сен учун .....	137
Дунё .....	138
Тўртликлар .....	139
Гул санам .....	141
Наргис .....	145
Севги .....	152
Нилуфар .....	155
Муддао .....	158

*Адабий - бадиий нашр*

**Ғайрат МАЖИД**

# **КЎЗЛАРИНГИ СОҒИНАМАН**

*шеърлар*

Муҳаррир *Шавқиддин Ғаниев*

Рассом *Эшмамат Ҳайитов*

Мусахҳих *Зулфизар Каримова*

Техник муҳаррир *Неъмат Рихсиев*

Компьютерда тайёрловчи *Латифжон Турсунов*

Теришга берилди 07.08.06. Босишга рухсат этилди 07.09.06. Бичими 84x108<sup>1/32</sup>. Офсет босма. Шартли босма табоғи 10. Нашриёт ҳисоб табоғи 10. Адади 5000. Баҳоси шартнома асосида.

«Akadem-xizmat» босмаҳонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент, Ўзбекистон шоҳжўчаси, 45.